Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 135 (8.719) ◆ 1995 йил ◆ 20 ноябрь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

Ҳар бир нарсанинг, ҳар бир воқеликнинг илдизлари шаксиз тарихга бориб тақалади. Худди шундай «Туркистон — умумий уйимиз» дер эканмиз, бунда бир олам маъно мужассамлиги билан бир қаторда чуқур тарихий асослар ҳам бисёр.

Чини билан улуғ Туркистон — Турон замин ўз бошидан не-не кунларни ўтказмаган. Ушбу табаррук тупроқда эрку адолат истаган кўплаб ватанпарварларнинг муқаддас қони тўкилган. Бепоён ҳудудда чарчоқ нималигини билмасдан югуриб ўтган не-не тулпорларнинг туёқ излари бор. Уларнинг ҳаммаси тарихан бир нарсанинг орзусида қилинган: бу орзу бирлик, ягоналик, енгилмаслик орзусидир.

Тарих ҳақида бунча кўп гапиришнинг ҳожати бормикан дегувчилар ҳам топилади. Лекин Европа донишмандларидан бири Августиннинг: «Агар ғафлатда яшаётган халқни уйғотмоқчи бўлсанг, унинг тарихини тарғибот қил» деган доно сўзи бор. Демак тарихдан гапириш бу энг аввало кимлигингни англаш, сўнгра келажакнинг қандай бўлишини тасаввур қилишдир.

Турон заминда VI—VII асрлардан бошлаб жуда ҳам кўплаб сулолалар, ҳоқонликлар ҳукм сурган. VI—VII асрларда турк ҳоқонлиги авжи куч-қудратга тўлганида унинг ҳудуди Қора денгиздан то Тинч океанигача, Ҳазар денгизидан то Буюк Хитой деворларигача чўзилган. Шундай улуғ ҳудуддаги ягона ҳокимият қанчалар иқтисодий, маънавий юксалишларга омил бўлганини тарихдан ўқиб биламиз. Айниқса, Буюк ипак йўли мана шу ягона макондан ўтиши савдо-сотиқнинг қанчалар ривожга минганини кўрсатади.

Биринчи саҳифадан сўз

КЎҲНА ТУРОН ЮРАКЛАРГА СОЧАДИ ЗИЁ

Туркистон тақдир тақозоси билан гоҳ майдаланиб, гоҳ яхлитланиб келди. Хусусан сомонийлар, қорахонийлар, салжуқийлар, ануштегинийлар, темурийлар даврларида Туркистон дунёнинг энг ривожланган, энг қудратли нуқтасига айланди. Бунда асосий омил бўлиб ҳудуд яхлитлиги роль ўйнади.

Халқимизда ғоят ибратли бир ривоят бор. Отанинг қазоси етиб болаларига васият қилибди: «Болаларим, мендан кейин аҳил бўлинглар. «Бўлинганни бўри ер,», деган нақл бор. Мен сизларга ҳозир бу гапнинг исботини кўрсатмоқчиман». Шундан кейин ота бир боғлам хивични олиб катта ўғлига узатибди: «Синдир буни». Катта ўғил ҳам, унинг икки укаси ҳам синдиролмабди. Шунда ота новдаларни иккита-учтасини бир қилиб фарзандларига узатибди. Улар осонгина новдаларни синдириб ташлашибди. «Ана кўрдиларингми, — дебди чол, — «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар» деб шуни айтадилар».

Бу, албатта, деярли барчамизга маълум бўлган ҳикматли ривоят. Айни пайтда худди шу ривоят улуғ маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг бир хатида ҳам келтирилганки, демак, бугун ҳам унинг аҳамияти заррача пасайган эмас. Беҳбудий яна ёзади: «... Биз ҳаммамиз, яъни қирғиз, қозоқ, туркман, ўзбек, сарт, араб, форс, Туркистондаги, Қозоғистондаги ва Туркманистондаги барча мусулмонлар ва ҳам бундаги яҳудий ва христианлар бирлашиб иттифоқ ила... сайъ ва ҳиммат этмоғимиз албатта керакдир».

Азалдан пойтахтимиз Тошкент энг оламшумул воқеаларнинг гувоҳи ва ташаббускори бўлиб келган. Худди шу Тошкентда Осиё ва Африка ёзувчиларининг биринчи конференцияси бўлиб ўтган. Ва жаҳонга Тошкент руҳи оқ кабутардек парвоз қилган эди. Ёдингизда бўлса, турли ижодий конференциялар, қурултойлар, анжуманлар Тошкент бағрида зўр кўтаринкилик билан ўтказилган эди. Демак, Тошкент ҳақли суратда дўстлик ва тинчлик жарчиси бўлиб келди. Ҳозир ҳам у ўзининг шу олий унвонига содиқ қолмоқда.

Тошкент шаҳри ҳақида бежиз тўхталганимиз йўқ. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида Президентимиз Ислом Каримов азалдан бизга қутлуғ мерос бўлиб қолган бирдамлик туйғусини яна қарор топтириш учун «Туркистон — умумий уйимиз» жамоатчилик ҳаракатига қўшилишни даъват қилган эдилар.

Марказий Осиёдаги бешта республика мустақилликка эришганидан сўнг беш мустақил давлат раҳбарлари кўп бора учрашдилар. Иқтисодий, маданий шартномалар имзоланди. Ҳудудий бирлик ҳақида мунозаралар бўлиб ўтди. Ва ниҳоят яна Тошкент шаҳрида янги бир ҳаракат — «Туркистон халқлари маданияти форуми»нинг биринчи қурултойи ўз ишини бошлаш арафасида турибди. Ушбу ҳаракатнинг ташаббускори, илҳомчиси юртбошимиз эканлиги билан ниҳоятда фахрланамиз.

Жаҳонда биронта сарҳад йўққи уни сўз забт этмаган бўлсин. Шунинг учун ҳам «Қилич билан олинмаган қалъа сўз билан таслим бўлади» дейишади. «Туркистон халқлари маданияти форуми»нинг аксари иштирокчилари шоирлар, адиблар, маданият арбоблари — артистлар, мусаввирлар эканлиги сўз қудратининг сарҳад билмаслигига яна бир эътибор қаратмоқликдир.

Биз ҳамиша Туркистон бағридаги яшовчи халқлар дилдош, диндош, деб таъкидлаб келамиз. Чиндан ҳам шундай. Бугун Алишер Навоийни ўз тилида ўқимаган халқ йўқ. Лекин Навоий ғазалларини беш асрдан бери тожик ҳам, туркман ҳам, қирғизу қозоқ ҳам турк тилида ўқиб, бирдек лаззатланиб келади. Чингиз Айтматовнинг «Жамила» қиссаси ўз пайтида ёд бўлиб кетган эди. Унинг нафақат ўзбек тилида, балки қирғиз тилида чоп этилганини ҳам эъзозлаб ўқиган, ўша китобни сақлаб келаётган хонадонлар бор. Машҳур тожик шоири Боқи Раҳимзода ўзбек ва тожикнинг қанчалар бир-бирига яқин эканлигини исботлаш учун тарихдан мисоллар қидирмайди. Бир қаторда ифодалаб қўя қолади: икки киши бир-бири билан учрашса уларнинг биринчи саволи шундай бўлади: «Биродар, сиз ўзбекми, тожик?».

Худди шундай Зулфиянинг «Мушоира» шеъри қанчалаб юракларни тўлқинлантирганини аниқ айтиш қийин. Лекин аниқ биламизки бу шеър Туркистондаги ҳар бир шеърият ихлосманди тилида ўзбекча жаранглайди.

Ёнар сўз сарҳад билмайди. Эртага ўз ишини бошлайдиган «Туркистон халқлари маданияти форуми»нинг биринчи қурултойида ёниқ юраклардан оташин сўзлар қайнаб чиқишига, у Турон заминга шаббодадек тарқалишига ишончимиз комил. Сўз ҳар бир юракларга етиб бормоғи тайин. Ҳар бир юракда асрий қардошлик, бирдамлик, биродарлик туйғуларини жўштирмоғи тайин.

Шунинг учун ҳам юртбошимиз «Туркистон — умумий уйимиз» жамоатчилик ҳаракатида ижод аҳли, зиёлилар иштироки муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаган эди.

Турон замин барчамизга Ватан экан, биз унинг бағрида яшовчи оға-инилар эканмиз бир-биримизга дўстлик қўлини узатишимиз, бу қўлни маҳкам тутишимиз зарур.

Бир донишманддан сўрашибди: «Ака афзалми, дўст афзалми?» Донишманд жавоб берибди: «Ўзи аканг бўлсаю ҳам дўст бўлса қани эди».

Биз Туркистон бағридаги халқлар ана шундай дўст-оғаниларданмиз. Бу дўстлигимиз йиллар синовидан ўтиб келган. Бу дўстлигимиз мустақил юртларимиз ҳамкорлигида яна янги қирраларни намоён этади. Шундай бўладики Турон замин бағридаги халқлар бир ота-онанинг, бир хонадоннинг фарзандлари сингари бахтиёр, бегубор дамларда яшайдилар.

Бугун эса яна жаҳон Тошкентга қулоқ тутмоқда. Тошкентдаги мўътабар минбарда Туркистоннинг лутфи ширин фарзандлари ёниқ қалб сўзларини айтадилар. Барчани қардошликка, қардошлик ипларини маҳкамлашга чақирадилар. Яна қудратга, сеҳрга тўла сўз сарҳадларни маҳв этиб, янграйверади.

Темур УБАЙДУЛЛО.

● «Туркистон халқлари маданияти форуми»нинг биринчи қурултойига бағишланган материалларни газетамизнинг учинчи саҳифасида ўқийсиз.

ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ:

ЎЗАРО ИШОНЧ — ҲАМКОРЛИГИМИЗ АСОСИ

Илгари хабар қилинганидек, 14-16 ноябрь кунлари Президент Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегацияси расмий ташриф билан Германияда бўлди.

Германия Федератив Республикаси Ўзбекистон билан кенг миқёсда иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўяётган дунёдаги энг тараққий этган давлатлардан биридир. Шуниси қувончлики, бу ҳамкорлик доимий равишда кенгайиб бормоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўтган йилги товар айирбошлаш ҳажми 209,2 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич шу йилнинг тўқиз ойидаёқ 226 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлди. Ўзбекистондаги 60 га яқин корхона германиялик сармоячилар иштирокида фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, «Мерседес-бенц», «Алкатель», «Сименс» каби фирмалар, К. Аденауэр жамғармаси мустақил Ўзбекистон — Германия ҳамкорлигининг кашшофлари бўлиб, самарали фаолият кўрсатмоқдалар.

Баден-Вюртемберг федерал ери эса Германиянинг энг саноати ривожланган, қудратли музофотларидан бири ҳисобланади. У ўзининг теран маданияти билан ҳам шуҳрат қозонган. Ислом Каримов Германияга ўз ташрифини шу ердан бошлади. Бунинг сабабларидан бири Штутгартдаги «Линден — музей»да «Буюк ипак йўли ворислари: Ўзбекистон» кўргазмасининг очилиши эди.

Давлатимиз раҳбари 15 ноябрь куни Германиянинг «СЛ» меъморлик - конструкторлик компанияси томонидан ишланган «Имом ал-Бухорий мақбараси» мажмуи лойиҳаси билан танишди. Лойиҳа бош меъмори доктор Бодо Раш билан исломий меъморликнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида суҳбатлашди. Буюк аллома — Имом ал-Бухорийнинг Ислом оламида тутган ўрни беқиёслигини, зеро унинг мақбараси ҳам дунёдаги машҳур қадамжолардан қолишмайдиган даражада бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Шундан кейин ўзбекистонлик меҳмонлар Штутгартдаги ҳукумат уйи «Янги қаср» қароргоҳига йўл олдилар. Бу ерда давлатимиз раҳбари Баден-Вюртемберг федерал ери Бош вазири ўринбосари, иқтисодиёт вазири Дитер Шпёри билан учрашди.

— Ўзбекистонга бизнинг қизиқишимиз катта, — деди Д. Шпёри. — Буни шундан билса бўладики, сентябрь ойида Тошкентда тўтган кўргазмада қарийб 100 та фирмамиз қатнашди. Германиянинг иқтисодий қудрати — ўрта ва кичик тадбиркорликнинг тараққий этганидадир. Чунки нисбатан мўъжаз корхоналар бозор талабига тез мослашади. Бизда катта-катта концернлар ҳам ана шундай мустақил бўлинма — кичик корхоналардан иборат. Бу йўлда Баден-Вюртемберг ери ҳукумати ўз тажрибаси билан бажону дил ўртоқлашади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорлик кенгайиб бораётгани қайд этилди. Унинг истиқболлари тўғрисида, хусусан, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда Ўзбекистон ва Баден-Вюртемберг фирмалари ўртасида алоқа боғлашга келишиб олинди.

Шу куни пойабзаллари оламга машҳур «Саламандер», шунингдек «АББ», «Круп» концерн ва фирмалари раҳбарлари билан ҳам учрашув бўлди. Ислом Каримов уларга Ўзбекистонда хорижий ишбилармонлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар хусусида гапириб берди. Ислом Каримов дунёга донғи кетган концернлардан бири «Даймлер - бенц»нинг Штутгарт — Миёрингемдаги қароргоҳига ташриф буюрди. Маълумки, биз билан яқин алоқа боғлаган «Мерседес-бенц» фирмаси ҳам мазкур концерн таркибига киради. Бу ерда концерн раҳбарлари билан мулоқот бўлди.

— Биз «Мерседес-бенц» орқали Германияни кашф этган эдик, — деди Ислом Каримов мулоқотда. — Германия орқали эса Европани кашф этмоқчимиз. Чунки, Германия тимсолида ишончли, сўзида қатъий ҳамкорни кўрамиз. Биргаликдаги фаолиятимизнинг дастлабки натижалари бу фикрни тўла тасдиқлаб турибди. Умуман ўзбек ва немис халқлари ўртасида уйғун жиҳатлар жуда кўп. Бу аввало очиқ кўнгиллик, тартиб-интизомга қатъий риоя қилиш, меҳрибонлик ва, энг муҳими, бир сўзлиликдир. Ана шу фазилатлар ҳамда ўзаро қатъий ишонч ҳамкорлигимизни ривожлантиришга асос бўлади.

— Биз Сизни самимий дўст деб биламиз, — дейди «Даймлер — бенц» концерни бошқаруви раиси Юрген Шремпп Президент Ислом Каримовга — Сизнинг улкан давлат арбоби, сиёсатдон эканингиз, айниқса, иқтисодиёт масалаларини теран тушунишингиз бизга маълум, Ўзбекистондаги сиёсий ислоҳотлардан, уларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётганидан, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасидаги ҳаракатлардан хабардормиз ва Сизнинг бу йўлингизни тўла эътироф этамиз. Бу соҳада ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Айниқса, менимча, авиация, юк ва йўловчи ташиш, сайёҳлик ва молиявий таъминот соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш учун имкониятларимиз катта. Мен Сизни ҳар хил ғояларни ўртага ташлашдан кўра, уларни амалга оширишни хуш кўрадиган арбоб сифатида биламан. Шундай экан, ҳамкорлигимиз истиқболлари самарали бўлишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

СУРАТДА: Германия Республикаси Федерал Президенти Роман Герцог билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов.

Фарҳод Қурбонбоев (ЎзА) олган сурат.

Учрашув ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси билан «Даймлер-бенц» концерни ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш хусусида битим қабул қилинди. Уни Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Ў. Султонов ва концерн таркибига кирувчи «Дебис АГ» фирмаси бошқаруви раиси К. Мангольд имзоладилар.

Президентнинг Германияга бу галги ташрифи дастуридан иқтисодий масалалардан ташқари, маданий тадбирлар ҳам кенг ўрин олганди.

— Маданиятни камол топтирмасдан иқтисодиётда юксак натижаларга эришиб бўлмайди, — деди Ислом Каримов. — Бу гап давлатлар ўртасидаги алоқаларга ҳам тегишли. Чунки, ҳар бир давлат ким билан ҳамкорлик қилаётганини, мазкур халқнинг руҳиятини, табиатини, қисқача айтганда, маданиятини билиши керак. Шу маънода, Германия бизга ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан, ҳам буюк маданияти билан ишончли ҳамкор бўла олади. Қолаверса, мен БМТнинг 50 йиллигига бағишлаб Нью-Йоркда ўтказилган тантанали йиғилишда Германия Федератив Республикасини Хавфсизлик кенгашига доимий аъзо бўлиши ҳақидаги таклифни бежиз олға сурмадим. Зеро, Германия бунга ҳар жиҳатдан муносибдир.

«Линден-музей» Баден-Вюртемберг ерининг энг нуфузли маданий марказларидан биридир. Бу ерда «Буюк ипак йўли ворислари: Ўзбекистон» кўргазмасининг очилиш маросими бўлди. Кўргазмага қўйилган осори атиқалар Туронзамин халқларининг қарийб уч минг йиллик тарихи ҳақида ҳикоя қилади. Маросимда Президент Ислом Каримов бой тарихий меросимиз, халқимиз руҳиятининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида гапирди. Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек каби буюк салафларимизнинг давлатчилик, маданият, илм-фан тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида батафсил сўзлади. Мазкур кўргазма ўзбек ва немис халқларини бир-бирига яқинлаштиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Қадимий Буюк ипак йўли қайта тикланиб, Шарқ билан Ғарб халқларига нафақат моддий товарлар, балки маърифат ва маданият, фаровонлик ва саодат элтувчи йўл бўлиб қолишига ишонч билдирди.

Ислом Каримов Германия Федерал Президенти Роман Герцог ҳамрохлигида кўргазмани кўздан кечирди. Ўзбек санъаткорлари йиғилганлар учун концерт намойиш этди.

16 ноябрь куни мамлакатимиз делегацияси аъзолари Германия Федератив Республикаси пойтахти — Бонн шаҳрига келдилар. Ислом Каримов ўзи учун ажратилган «Петерсберг» ҳукумат қароргоҳида Германия Федератив Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги давлат котиби Л. Шомейрус билан учрашди. Суҳбатда мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада такомиллаштириш борасида фикрлашилди.

Сўнг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамда делегация аъзолари Германия Федерал Президентининг «Ҳаммершмидт» қароргоҳига йўл олдилар. Ўзбекистон ва Германия байроқлари билан безатилган қароргоҳ олдидаги майдонда Президент Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Фахрий қоровул саф тортди. Икки давлат мадҳиялари янгради. Қароргоҳда Ислом Каримов ва Роман Герцогнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Ислом Каримов қароргоҳдаги фахрий меҳмонлар китобида дастхат қолдирди. Германия Федерал Президенти юксак мартабали меҳмон шарафига қабул маросими уюштирди. Маросимда Германия Федерал Президенти Роман Герцог ва Ўзбекистон Республикаси Президенти нутқ сўзлади.

Шу куни Ислом Каримов Германия Федератив Республикаси парламенти — Бундестагда бўлди. Бундестаг парламентнинг юқори палатаси бўлиб унга 600 депутат сайланади. Қуйи палата эса мамлакатнинг 16 федерал ерлари вакилларидан иборатдир. Бу ерда Ислом Каримов ГФР Бундестаги раиси Рита Зюсмут билан учрашиб, парламент фаолияти билан танишди. Шундан сўнг «Петерсберг» қароргоҳида Ўзбекистон ва Германия расмий делегациялари музокаралари ниҳоясида қабул қилинган ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида ҳаво йўли ҳақидаги ҳамда уюшган жиноятчиликка, терроризмга ва ўта хавфли бошқа жиноятларга қарши кураш борасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро ҳужжатларни Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов, Германия ташқи ишлар федерал вазири К. Кинкель, Германия Ички ишлар вазирлиги давлат котиби К. Шельтер имзоладилар.

Президент Ислом Каримов Германия ташқи ишлар федерал вазири К. Кинкель билан суҳбатлашди. Суҳбатда давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, уни фирма ва концернлар даражасидан мамлакатлар миқёсига кўтариш масалалари муҳокама этилди.

...Ташриф кунлари Штутгартда ҳам, Боннда ҳам ҳаво халқларимиз қалбини акс эттирган каби очиқ, ёруғ бўлди. Сафар ниҳоясида эса ёмғир ёға бошлади. Ёмғир қут-барака рамзи дейдилар. Табиат ҳам ҳамкорлигимизга ривож, халқларимизга бахт ва фаровонлик тилаётган бўлса, не ажаб.

***

17 ноябрь куни Президент Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди.

Аҳмад ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент —Штутгарт —Бонн — Тошкент.

БУГУНГИ КУН «ТО» «ТО» НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков раислигида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди бўлди.

❑ Намангандаги «Аснам-текстиль» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасида маҳсулотларнинг дастлабки туркуми — калава ишлаб чиқарила бошланди. Ушбу корхона трикотаж буюмлар тикиш учун юқори сифатли йилига 3020 тонна ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

❑ Германияликлар билан ҳамкорликда Наманганда 10 минг шаҳар ва 4 минг халқаро абонентга мўлжалланган телефон алоқа узели ўрнатилди.

❑ «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси 1996 йил 31 январгача «Тошкент — Самарқанд» ва «Тошкент — Фарғона» йўналишларида қатнайдиган маҳаллий самолётлар чипталарининг нархини 50 фоизга арзон қилди.

❑ Тошкент меъморчилик-қурилиш институти хорижий адабиётлар кутубхонасига АҚШдан келтирилган китоблар совға қилинди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Станислав Говорухин биринчи бўлиб 1996 йил 16 июнда Россияда бўлиб ўтадиган президент сайловларига ўз номзодини қўйди.

❑ Россия ва Украина Президентлари телефон орқали мулоқотда Қора денгиз муаммосини муҳокама этдидар. Ҳар икки давлат мудофаа ишлари вазирлари шу жума куни ушбу масала хусусида фикр айирбошлаш учун учрашадилар.

❑ Чеченистон ҳукумати 17 декабрь куни Россия Давлат думасига, шунингдек Чеченистон Республикаси раҳбарини сайлаш бўйича сайловлар ўтказиш ғоясини қўллаб-қувватлади.

❑ Туркманистонда нон нархи 8-10 баробарга, нефть маҳсулотларининг чакана нархлари эса 250 фоизга ортди.

❑ Бугунги кунда Қирғизистонда атиги 4,6 миллионта қўйқўзи, аввал бўлганнинг тенг ярми сақланиб қолди. Отлар 40 минг бошга, қорамоллар эса 330 минг бошга камайиб кетди.

❑ Бугунги кунда Тожикистонда мажбурий ҳарбий хизматни ўташи керак бўлган йигитларнинг 60 фоизи бу фуқаролик бурчини бажаришдан бўйин товламоқда. Ҳуқуқ-тартибот идоралари уларни қидиришга киришди.

ХОРИЖДА

❑ Америка Қўшма Штатларида давлат бюджети танглиги мамлакат тарихида мутлақо бунчалик чўзилмаган муддатда — мана етти кундан бери давом этмоқда. Конгресс ҳукуматга тегишли маблағ ажратмаганлиги сабабли 800 минг давлат хизматчиси мажбурий меҳнат таътилига жўнатилди. АҚШ ҳатто қатор мамлакатлардаги ўз консуллик ваколатхоналарини ҳам беркитиб қўйди.

❑ Парижда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКОнинг 50 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Унда 20 дан кўпроқ давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этдилар.

❑ Японияннг Осака шаҳрида Осиё—Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлган 18 давлат ва ҳукумат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда ушбу минтақада эркин бозор ташкил этиш муаммолари юзасидан ўзаро фикр айирбошланди.

❑ Бугун ўтган ҳафтада Россиянинг «Мир» орбитал станцияси билан туташтирилиб, тўрт давлат — АҚШ, Канада, Россия ва Германия космонавтлари илмий тадқиқотлар ўтказган, ҳозир бортида тўрт нафар АҚШ ва бир нафар Канада астронавти бўлган «Атлантис» кўп марта фойдаланиладиган кема ерга қўнади.

❑ Бугун АҚШ мудофаа вазири Уилям Перрининг Болтиқбўйи давлатларига ташрифи бошланади. Шундан сўнг у ҳафта охирида Данияда НАТОга аъзо бўлган шимолий мамлакатлар мудофаа маҳкамалари раҳбарлари билан музокаралар ўтказади.

❑ Оқ денгизда 6 денгизчи бўлган, 60 минг тонна сув сиғимига эга Россиянинг кемаси йўқолиб қолди. Уни қидириш ишлари давом этмоқда.

Воқеа арафасида

МОЛДОВА МАҲСУЛОТЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг шу йилнинг баҳорида Молдова Республикасига ташрифи шу икки республика ўртасидаги ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишида муҳим омил бўлди. Ташриф давомида Молдова ва Ўзбекистон раҳбарлари ўзаро алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш, ишбилармон доираларнинг биргаликда яқиндан иш олиб боришлари каби масалаларни ҳам кўриб чиққан эдилар.

Ушбу учрашув ўзининг илк меваларини бера бошлади. Чунончи, 22—25 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг «Ўзэкспомарказ» республика савдо-кўргазма марказида «Молдэкспо» халқаро кўргазмалар маркази, Молдова Республикаси саноат, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат вазирликлари ва «Ўзэкспомарказ» РКСМ томонидан ташкил этилган «Молдова ҳамкорликка чорлайди» номли кўргазма бўлиб ўтади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон ўзининг пахтаси, ипаги, қоракўл терилари, табиий ресурслари, иқлим шароитлари билан Молдова ишбилармон доираларида катта қизиқиш уйғотмоқда

Кўргазмада Молдованинг ўнлаб корхона ва фирмалари, масалан: Кишинёв трактор заводи, Бельц электромеханика, мебель заводлари, «Калараш» вино-коньяк комбинати, Кишинёв нон комбинати, Ораев консерва заводи, «Фрунзе» қанд ва лимон кислотаси ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти, Орхей мебель фабрикаси, «Тора», «Альфа» ҳиссадорлик жамиятлари, «Карпинень» колхоз-агрофирмаси ва ҳоказолар ўзлари ишлаб чиқараётган ультратоза ичимлик, консерва, пардоз ва атторлик буюмларини кўргазма меҳмонлари ва ишбилармонлар доираси ҳукмига ҳавола қиладилар.

Маҳмуда ИСМОИЛОВА,
«Ўзэкспомарказ» етакчи мутахассиси.

Қиш тайёргарликни ёқтиради

ҚАТЪИЙ РЕЖАЛАР АСОСИДА

Ҳозир шаҳримиздаги барча туманларда қишга тайёргарлик ишлари жадал давом этмоқда. Жумладан Юнусобод туманида ҳам бундай зарур юмушлар қатъий режа асосида пухта амалга оширилмоқда.

— Бу галги қишки мавсумга тайёргарлик кўриш ва уни намунали ўтказиш учун пухта тайёргарлик кўрдик,— дейди «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлимининг раиси Меливой Арслонов. — Туманимизда 24 та мавзе, 49 та маҳалла бор. Уларга ҳоким ўринбосарлари бириктирилиб, кўп қаватли уйлар ва маҳаллалар учун қатъий жадвал тузилиб, унга асосан электр тармоқлари корхонаси, ободонлаштириш бошқармаси, туман газ идораси, йўл таъмирлаш бошқармаси ва бошқа идоралар раҳбарлари иштирокида ҳар бир маҳаллада учрашувлар ўтказилди. Уларда билдирилган таклиф, истаклар асосида аниқланган камчилик ва муаммолар ҳамжиҳатликда ҳал этиляпти.

Энг муҳими шундаки, «Юлдуз» ҳиссадорлик жамияти, «Ўзбекқишлоқмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Зенит» заводи, 2515, 8-автосарой ва тумандаги бошқа йирик корхона-ташкилотлар мавзеларга бириктирилди. Натижада корхоналар кўмаги ва тумандаги турли масъул идоралар иштирокида чироқ йўқ жойларга чироқлар ўрнатилди, айрим иссиқ сув келмаётган жойларнинг сув таъминоти яхшиланди, чакка ўтадиган кўп қаватли уйларнинг томлари таъмирланди, кўп қаватли уйлакларига эшиклар ўрнатиляпти.

Барча мавзе ва маҳаллаларда ҳашарлар ўтказилиб унда марказий кўчалардан тортиб, мавзелар ичидаги йиғилиб қолган чиқиндилар тозаланди, маҳаллаларда ариқлар ораста-ланиб, дарахтларга шакл берилди.

Эътиборга лойиқ томони шундаки, шаҳримиздаги бошқа туманларда ҳам бу йил қишга тайёргарлик юмушлари уюшқоқлик билан ташкил қилинди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ.

Иш билан бандлик

КАСБГА ЙЎЛЛАГАН ЯРМАРКА

Олой бозори ҳудудида янги қад ростлаган савдо мажмуаси атрофида янграган карнай, сурнай ва ноғора садолари эрталабдан кишиларни Юнусобод туман ҳокимлиги ва туман бандлик хизмати томонидан аёллар учун «Бўш иш жойлари ва лавозимлар ярмаркаси»га чорлай бошлади...

— Ушбу тадбирнинг асосан аёлларга бағишлаб ўтказилаётгани бежиз эмас. Зеро, ҳозирги кунда аёлларимизга, айниқса кўп болали, нафақа ёшидаги ва уйда бола тарбияси билан банд бўлган аёлларга янги ва қўшимча иш жойларини ташкил этиш мақсадида тинмай изланяпмиз. Бу борада Меҳнат вазирлиги билан Корея Республикаси ўртасида имзоланган шартномага мувофиқ Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида тўқимачилик ва пойабзал соҳалари бўйича касб сирларини ўрганиб ишлаб келиш учун аёлларимизга имкон туғилгани нур устига нур бўлди, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Абдулла Мўминов. — Умуман, 1995 йилнинг ўтган 10 ойи давомида бош бошқармамиз саъй-ҳаракатлари ва бандликка кўмаклашиш жамғармаси ҳисобига аёллар учун 571 та ишлаб чиқариш бирлашмалари, трамвай-троллейбус бошқармаси, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, асбобсозлик заводи, туман соғлиқни сақлаш бўлими каби йирик корхона, ташкилотлар мингдан ортиқ бўш ўринлари билан қатнашишмоқда. Аёллар учун эса 1995 йилнинг ноябрь ойида шаҳримизда 8 мингдан ортиқ бўш ўрин ва лавозимлар мавжуд бўлиб, уларнинг ярмидан бироз кўпроғини ишчи касблари, қолганини эса муҳандис-техник ходимлар ва хизматчилар учун бўш ўринлар ташкил этмоқда экан.

Тадбирга пухта тайёргарлик кўрилгани сезилиб турибди. Унда бошқа туманлардаги корхоналар ҳам қатнашганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Айниқса «Тоштўқимачи» ҳиссадорлик жамияти, «Махсустранс» автомобиль транспорт корхонаси, «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси, Русанов номидаги Ботаника боғи, «Ўзбекқишлоқмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент китоб-журнал фабрикаси вакиллари жойлашган столлар атрофи кишилар билан гавжум. Бу ерда корхоналар ҳаёти ва фаолиятини кўрсатувчи кўргазма тахталари ташкил қилинганлиги, альбомлар мавжудлиги, бўш ўринлар тўғрисида барча маълумотлар етарли эканлиги иш излаб келган кишилар учун катта қулайликлар туғдирарди.

— Қурилишга тааллуқли касбларга эҳтиёж катта, — дейди туман бандлик хизмати

касб сирларини ўрганиб ишлаб келиш учун аёлларимизга имкон туғилгани нур устига нур бўлди, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Абдулла Мўминов. — Умуман, 1995 йилнинг ўтган 10 ойи давомида бош бошқармамиз саъй-ҳаракатлари ва бандликка кўмаклашиш жамғармаси ҳисобига аёллар учун 571 та ишлаб чиқариш бирлашмалари, трамвай-троллейбус бошқармаси, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, асбобсозлик заводи, туман соғлиқни сақлаш бўлими каби йирик корхона, ташкилотлар мингдан ортиқ бўш ўринлари билан қатнашишмоқда. Аёллар учун эса 1995 йилнинг ноябрь ойида шаҳримизда 8 мингдан ортиқ бўш ўрин ва лавозимлар мавжуд бўлиб, уларнинг ярмидан бироз кўпроғини ишчи касблари, қолганини эса муҳандис-техник ходимлар ва хизматчилар учун бўш ўринлар ташкил этмоқда экан.

Тадбирга пухта тайёргарлик кўрилгани сезилиб турибди. Унда бошқа туманлардаги корхоналар ҳам қатнашганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Айниқса «Тоштўқимачи» ҳиссадорлик жамияти, «Махсустранс» автомобиль транспорт корхонаси, «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси, Русанов номидаги Ботаника боғи, «Ўзбекқишлоқмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент китоб-журнал фабрикаси вакиллари жойлашган столлар атрофи кишилар билан гавжум. Бу ерда корхоналар ҳаёти ва фаолиятини кўрсатувчи кўргазма тахталари ташкил қилинганлиги, альбомлар мавжудлиги, бўш ўринлар тўғрисида барча маълумотлар етарли эканлиги иш излаб келган кишилар учун катта қулайликлар туғдирарди.

— Қурилишга тааллуқли касбларга эҳтиёж катта, — дейди туман бандлик хизмати ишга жойлаштириш шўъбаси мудири Л. Г. Душкина. — Айниқса кўплаб дурадгорлар, бетончилар, электр ва газ пайвандчилар, фрезерчилар керак. Шунингдек, ўз ўқув марказимиз ҳам бўлиб, унда касби йўқлар ўқиб касб ўрганишлари мумкин. ЭҲМ операторлари, компьютерда ишлай оладиган котиба-референтлар, ҳисобчилар, қурувчилар касблари — уларнинг бари ўқув марказимизда эгалланиши мумкин бўлган касблар қаторига киради.

Бўш иш ўринлари ярмаркасига иш излаб келган кишиларга иккита компьютер хизмат кўрсатгани ҳам жуда эътиборга лойиқ иш бўлди. Ундан шаҳар ва тумандаги барча иш ўринлари ва лавозимлар тўғрисидаги маълумотлар ўрин олган бўлиб, хоҳловчилар учун уларни қизиқтирган корхона ва ташкилот фаолияти акс эттирилган маълумотномани принтер бир лаҳзада чиқариб берарди.

Ҳа, шу куни кўплаб кишилар ярмарка орқали ўзлари анча вақтдан бери излаб юрган севган ишларига жойлашдилар. Биз улардан бири Пўлат Абдурасулевнинг фикрлари билан танишдик.

— Рус тили ва адабиёти институтининг 5-курс талабасиман, — дейди у. — Ўз соҳамдан келиб чиққан ҳолда таржимонликка жуда қизиқаман. Бугун ярмарка ўтказилишини эшитиб, «Зора, менга ҳам таржимонлик бўйича яхши иш чиқиб қолса», деган умидда шу ерга келдим. Шукрки Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Тошвилоятйўловчитранс» давлат уюшмасида шундай касб соҳибига эҳтиёж бор экан. Компьютердан ўзимга тегишли маълумотни олдим. Эртага уюшмага бормоқчиман. Ўйлайманки, бу ерда мен каби ўзи яхши кўрган касбларни топган кишилар оз эмас.

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, тумандаги М. Турғунбоева, А. Қодирий, Ҳ. Олимжон номидаги маданият уйларининг дасталари, хушовоз хонандалари, карнай-сурнайчилар жамоаларининг санъати тадбирга байрамона руҳ бағишлаб турди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

СУРАТЛАРДА: бўш иш ўринлари ва лавозимлар ярмаркасидан лавҳалар.

Даврон Аҳмедов олган суратлар.

Нуқтаи назар

МАФКУРАМИЗ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Тоталитар тузумнинг мафкуравий ақидаларидан, хусусан, синфийлик, маданиятнинг партиявийлиги назарияларидан узил-кесил воз кечган Ўзбекистон, умуминсоний қадриятларга чуқур ҳурмат, маданиятда умуминсоний тамойилларнинг устиворлиги йўлини танлаганини бутун дунё жамоатчилигига билдирди. «Мустақил Ўзбекистон қудратининг асосий манбаи, — деган эди юртбошимиз, — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга садоқатидир. У адолат, тенглик, яхши қўшничилик ҳамда инсонпарварлик каби нозик ниҳол ғояларни асрлар бўйи асраб-авайлаб шу кунларга қадар олиб келди. Ўзбекистон янгиланишининг олий мақсади — шу анъаналарни тиклаш, уларга янги мазмун бахш этиш, заминимизда тинчлик-осойишталик, тўкин-сочинлик, маданият, виждон эркинлиги ҳамда ҳар бир инсоннинг маънавий юксалиши учун зарур шарт-шароитлар яратишдан иборат».

Одатда қадрият деганда моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг уйғунлиги назарда тутилади. Моддий қадрият (табиий бойлик, меҳнат маҳсулотларининг истеъмол нархи, замондошларимизнинг ўтмиш маданий мероси сифатида ўтган бойликлари, диний ва бошқа маросимларда қўлланиладиган турли ашёлар ва ҳоказо) ҳамда маънавий қадрият (жамият қонун-қоидалари, яхшилик ва ёмонлик, адолат, гўзаллик ва хунуклик, тарих ҳамда инсон моҳияти, ғоялар, ҳаракат шакли ва тамойиллари каби шартли тасаввурлардан юзага келган эркинлик ва чеклашлар)бир-биридан фарқ қилади. Мавжуд қадриятларни бир тизим сифатида аксиология фани ўрганади. Бу фан моддий, маънавий, ишлаб чиқариш, истеъмол, ижтимоий-сиёсий, илмий, ахлоқий, эстетик, диний қадриятларни бир тизим сифатида бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Қадрият масалалари бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар замонавий жамиятшунослик ва ижтимоий психологияда муҳим ўрин тутади. Моддий ва субъектив қадриятлар кундалик амалий муносабатлар ҳамда онгимизда аждодларнинг ижтимоий-тарихий тажрибасининг ихчам шакли — жамиятнинг тайёр формула ва белгилари сифатида сақланиб қолади.

Бир қатор омиллар сабабли қадриятлар масаласи бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланди. Биринчидан, жамият тараққиёти ўхшаши йўқ фавқулодда ҳолларни юзага келтиради. Бу эса ўз навбатида қадрият йўналишларини қайта кўриб чиқиш ёки тамоман ўзгартириш муаммосини яратди. Иккинчидан, қадрият йўналишларини фақатгина жамият онгига боғлаб қўйиб бўлмаслиги, илмий «объектив» ёндашув ҳеч замон аксиологик ёндашувни инкор этмаслиги кераклиги аниқ бўлиб қолди. Инсон омили бурч, шаҳс масъулияти, шаён, адолат каби хислатларнинг истеъмол категорияларидан бутунлай фарқли инсоний қадрият йўналишларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Инсон биологик-ижтимоий мавжудот сифатида шахсиятини шакллантирадиган, у ёки бу нарса ёхуд ҳодисаларга бўлган муносабатини белгиловчи қадрият ёки мезонларсиз яшай олмайди. Мустаҳкам, барча томонидан қабул этилган қадриятларнинг йўқлиги жамиятдаги шахсларнинг инқирозига ҳамда меъёрдан ошган хатти-ҳаракат ва салбий оқибатларга (ичкиликбозлик, жиноятчилик ва ҳоказо) олиб келади. Қадрият йўналишлари тадқиқоти айтарлик даражада катта маблағ ва куч талаб этмайди. Бу йўналишларни осонликча белгилаб тадқиқ этиш мумкин. Баъзи нарсаларга нисбатан бир қолипдаги ҳаракатлар йиғиндиси ҳамда тан олинган тамойилларнинг ҳам мавжудлиги қадриятлар ҳар хиллигининг умумий кўринишини осонликча аниқлашга имкон беради. Афсуски, аксарият изланишларда бор-йўғи айнан шу жиҳатларнинг рўйхати тузилиб, савол-жавоб ўтказиб қўя қолинган. Табиийки, бу ҳол аниқ хулосалар чиқариш учун мутлақо етарсиз ҳисобланади. Ёшлар ўртасида ҳуқуқ-тартибот, қонунчиликни қўпол равишда бузиш ҳоллари оз бўлса-да учраб турибди. Шу масала юзасидан зарур қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши ҳамда ҳаётга тадбиқ қилиниши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Инсонлар қалбига ислом дининнинг қадриятлари ва асосларини, яхшилик, маънавий юксалиш ва руҳий поклик ғояларини сингдиришда, жамиятнинг маънавий тарбиясини оширишда дин арбобларининг саъй-ҳаракатлари ҳам аҳамиятга эга, деб ўйлайман. Ёшларни энг юксак умуминсоний ғоялар руҳида тарбиялашда маърифат ва маънавиятнинг ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Маънавий янгиланиш дастурининг асосий қисмини ўзбек халқи томонидан барпо этилган буюк тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш ташкил этиши керак. Маънавият турли халқ вакилларини, тақдирларини яқинлаштириб келган. Бизнинг маънавиятимиз асрлар бўйи миллионлаб инсонларимиз тақдиридан яралган, уни на ўлчаб, на сарҳисобига етиб бўлади. Амалга оширилаётган ислоҳотлар республика аҳолисининг ўз меҳнатсеварлиги, ишбилармонлигининг меволаридан баҳраманд бўлиш имконини яратмоқда. Иқтисодий мустақилликка эришаётган, билим ва қобилиятларини шахсий фаолиятга қаратган ватандошларимиз сони кун сайин ортиб бормоқда. Аждодларимизнинг миллий характери ва маънавиятини мерос қилиб олган ёшларимиз бу соҳада ҳам фаоллиги ва мустақиллиги билан ажралиб турибди.

Янгиланаётган жамият янгиланган фалсафага муҳтождир. Шу сабабли ҳам, Ўзбекистон олимлари маънавий маданият тараққиёти билан боғлиқ масалаларга анъанавий қарашларини ўзгартиришлари шарт. Шу билан бир қаторда, оммавий ижтимоий психология ва ижтимоий онгнинг шаклланишида фалсафа фанининг назарий ва амалий имкониятларидан тўла фойдаланиш зарурати пайдо бўлди.

Маълумки, жамиятшунослар республика аҳолиси, айниқса ёшларнинг ижтимоий психологияси, ижтимоий онгидаги ўзгаришларга масъулият билан қарайдилар, ҳеч қачон оддий кузатувчи бўлиб қололмайдилар. Аҳолининг ижтимоий онгини миллий истиқлол мафкураси асосида шакллантиришда яқин келажакдаги мустақиллик моҳияти асосий масалалари, миллий истиқлолнинг мустаҳкамланишида иқтисодий, сиёсий, маънавий тамаллар аҳамияти ҳақида кўплаб илмий асарлар яратиши керак бўлган олимларнинг яқин келажакдаги хизматлари улкан бўлади, деган умиддамиз. Бугунги кунда республикада амалга оширилаётган янгиланиш жараёни мазмун ва аҳамияти жиҳатидан инқилобий ўзгаришларга тенг. Бу ўзгаришлар олимларимиз асарларида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши шарт. Бу ишлар қанчалик тез амалга оширилар экан, миллий истиқлол ва тараққиёт ғояларига асосланган ижтимоий онг ҳам шу қадар тез шаклланади. Жамиятнинг маънавий янгиланишида ёшларнинг ижтимоий психологиясининг ўзгариши бўйича тадқиқотлар олиб бориб, биз шундай хулосаларга келдик: биринчидан, миллий истиқлол ўзбек халқи учун маънавий янгиланишнинг боши ҳисобланади, демак, жамиятнинг маънавий ҳаётида юз бераётган жараёнларнинг ижтимоий психология ва ижтимоий онг шакллари тарафидан ҳам янгича қабул қилинади. Иккинчидан, мустақил Ўзбекистоннинг маънавий янгиланиш йўллари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: миллий ва умуминсоний қадриятларга амал қилиш, халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ҳар бир шахснинг ўз маънавий имкониятларини эркин истифода этиши ва ватанпарварлик, инсонпарварлик. Учинчидан, жамиятнинг маънавий янгиланиш асосида миллий истиқлол мафкурасида ўзининг ёркин ифодасини топган янги ғоя ва тамойиллар аҳолининг, айниқса ёшларнинг ижтимоий психологияси ва ижтимоий онгида ўрнашиб, шакланиб боряпти. Тўртинчидан, бугун миллий истиқлол ва ривожланиш мафкураси республика аҳолиси, биринчи навбатда ёшларнинг ижтимоий психология ва ижтимоий онгига қанчалик даражада тез ва кенг кириб борса, Ўзбекистонимизнинг ижтимоий, маънавий тикланиши ва тараққиёти йўлидаги ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий масалаларнинг ечимини шу қадар тез топган бўламиз.

Эркин БОБОМУРОДОВ,
Термиз Давлат университетининг доценти.

Фан — ишлаб чиқаришга

ЗАМИНИМИЗ ТОЗАЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасида «Инновация—95» кўргазмаси ўтказилди. 1993 йилдан буён мунтазам равишда ташкил этилаётган бу кўргазмадан қўмита томонидан ажратилган маблағ ҳисобига яратилган ишлаб чиқаришда қўлланувчи асбоб-ускуналар, маиший турмушда фойдаланувчи буюмлар ўрин олган эди. Улар қўмита танловида ғолиб чиққан илмий марказларнинг маҳсулотларидир.

Кўргазма «Курраи заминимиз экологик тоза бўлсин» шиори остида ташкил этилиб, унга атроф-муҳит тозалигини таъминлашда ишлатиладиган жиҳозлар қўйилганди.

Кўргазма хонаси бўйлаб айланган кишилар дастлаб «Асил» илмий-техник марказининг маҳсулотлари бўлган атроф-муҳитнинг тозалигини назорат қилувчи асбобларга дуч келдилар. Жиҳозларни автоматик равишда бўёвчи, пахта намлигини аниқловчи жиҳозлар, оптика буюмлари ҳам шу марказ фаолиятининг ҳосиласидир. «МЭЛМА» илмий-ишлаб чиқариш маркази тайёрлаган «Равшан» жиҳози эса жуда ғаройиб: ҳажми оддий гугурт қутисидек келадиган мослама сим орқали телевизорга улаб қўйилади. Мосламадаги кичик бир «кўз» атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларни экранга узатиб туради. Бундай жиҳоз асосан қаровсиз қолган хоналар, иш жойларини назорат қилиб туриш ёки кўриқлаш ишларида муҳим воситадир. Илгари бундай мосламалар Россиядан катта маблағ эвазига олиб келинарди.

Фан ва техника давлат қўмитаси қошидаги инновация марказининг маҳсулотлари ҳам ушбу кўргазма атроф-муҳит тозалигини сақлаш ишига бағишланганини яна бир бор таъкидлади. Бу ерга автомобилларни газ ёқилғиси билан таъминловчи асбоб, «АКВА» сув тозалагичи қўйилган эди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимликларни ҳимоя қилиш институти олимлари томонидан ишлаб чиқилган инкубаторда эса маданий экинларга зарар етказувчи ҳашаротларга қирон келтирадиган бошқа ҳашаротлар кўпайтирилади.

«Фар Био Гал» илмий-техник маркази металл чиқиндиларидан турли бўёқлар олиш технологиясини ишлаб чиққан. Кўргазмадан енгил ва оғир саноатда қўлланувчи буюмлар— «Шиддат» кичик корхонаси маҳсулотлари ҳам ўрин олган эди. «Ниҳол» тажриба заводи эса дори-дармонлар тайёрлашни йўлга қўйган. Бундан ташқари кўргазма хонасида Швециянинг «Хускварна» фирмасининг юксак технологиялар асосида ишланган дарахт кесиш, ўт ўриш ва хазонларни йиғиштиришга мослаштирилган асбоблари ҳам бор эди.

— Кўргазмани ташкил этишдан асосий мақсад — олимлар билан ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари ёки истеъмолчиларни учраштириш, уларни ўзаро ҳамкорликда ишлашларини таъминлаш эди, — дейди қўмита қошидаги инновация кўргазма марказининг директори Рустам Комилов. — Чунки ушбу кўргазмага қўйилган буюмларга муҳтож бўлган ишлаб чиқариш корхоналари кўп. Энг муҳими шундаки, олимлар, конструкторлар салоҳияти билан тайёрланган маҳсулотлар намуналари яқин-яқинларгача чет мамлакатлардан келтирилади. Эндиликда улар ўзимизда яратилмоқда.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

Ижтимоий ҳимоя — амалда

МАҚСАДЛАРИ — САВОБЛИ ЮМУШ

Инсонларга ғамхўрлик қилиш, уларнинг дардига малҳам бўлишдек саховатли ишни бажариш нақадар савобли. Шаҳримизда шундай бир ташкилот борки, уларнинг ўз олдиларига қўйган мақсадлари фақат савоб иш қилиш, саховатли бўлишдан иборатдир. Бу ташкилотнинг номи «Ишсизликдан ҳимоя қилиш Ўзбекистон жамоат хайрия фондининг жумҳурият ижро бошқармаси»дир. Бу бошқармага Владимир Владимирович Кундуков раҳбарлик қилади. У сўзини шундай бошлади:

— Мустақил бўлиб иш бошлаганимизга икки йил бўлди. Ўтган қисқа вақт ичида ёрдам сўраб келган фуқаро, ташкилот ва жамоаларга асло ўз муруввати-мизни аямадик. — Лекин ишлаб чиқариш борасидаги ишларимиз бироз тўхтаганлиги сабабли, айни вақтда маблағимиз бирмунча камайиб қолган. Шундай бўлишига қарамай мавжуд қурилиш отрядимиз билан жойларда таъмирлаш ва қурилиш ишларини олиб боришга ҳаракат қилаяпмиз. Акмал Икромов туманидаги Чилонзор 13-даҳа ҳудудидан жой олганлигимизни ҳисобга олиб, шу даҳанинг гузарини ўз ҳисобимиздан қуриб фойдаланишга топширдик. Даҳадаги барча амалга оширилади-ган ишларга, маросимларга, тўй ва бошқа тадбирларга қўлимиздан келганча ҳомийлик қилаяпмиз. Сарф-ҳаражат учун маблағни олиб бораётган брокерлик ишларимиз ва бошқа изланишлар туфайли топишга эришмоқдамиз...

Владимир Владимировичнинг яхши бир одати бор: жамоадаги 35 нафар ишчи-хизматчиларнинг барчасини керакли иш билан банд қилиб қўяди.

Ўтган ўн ой давомида айрим жамоаларга мунтазам маблағ ўтказишдан ташқари яна кўплаб инсонларга турли масалаларда ёрдам берилган.

— Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида айрим оилалар кам таъминланганлар сафига кириб қолишган, — деб сўзида давом этди Владимир Владимирович. — Лекин шундай бўлишига қарамай бу оилаларда ўқишга, билим олишга чанқоқлик кучли бўлганлиги сабабли ўқиш учун бироз маблағдан ёрдам сўраб келишади. Имкон қадар иложини топиб ёрдам берамиз. Қизил Ярим Ой жамияти ва ишсизликдан ҳимоя қилиш фондига ҳар чоракда мунтазам пул ўтказиб турамиз.

Ҳозирги кунда қўшни 14-даҳанинг гузарини қуриш ишларини бошлаган эдик. Айрим қурилиш материалларимиз етишмаётганлиги сабабли бунёдкорлик ишларида бироз оқсаш юз берди. Мана куни кеча Қозоғистондан арматура ҳамда турли ҳажмдаги қувурларни маҳсулот айирбошлаш шарти билан келтирдик. Бу маҳсулотлар қурилиш ишларида жуда кераклидир. Яна бошқа хом ашёларни ҳам келтирсак, қурилиш жадал суръатда олиб борилади. Шунингдек бошқарма идораси учун янги бино қуришга ҳам киришдик. Чунки келажакда ижро бошқармасини йирик бир компанияга айлантириш умидидамиз. Нега десангиз пойабзал, тикув цехини фойдаланишга топширишга ҳозирлик кўраяпмиз. Ғазалкент шаҳрида чучвара цехи ҳам тахт бўлиб турибди. Айрим керакли жиҳозларни, масалан картон маҳсулотининг муаммосини ҳал этсак бу цех ҳам ишга тушади. Бу билан кўплаб аҳоли иш билан таъминланади, ички бозоримиз маҳсулотларга янада сероб бўлади.

Хайрия йўлида амалга оширилган ишлар рўйхатини кўздан кечириб, йил бошидан октябрь ойига қадар инсон саломатлигини тиклаш мақсадида 50 минг сўмга яқин, билим олишлари учун эса 20 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланганидан огоҳ бўлдик. Тадбиркорлик асосида иш бошлаган «Лаура» фирмаси учун 10 минг сўм пул ажратилган. Кичинагина ижро бошқармасининг катта ишлари ана шулардан иборат.

Гулбаҳор МЎМИНОВА.

СУРАТЛАРДА: бошқарма бошлиғи Владимир Кундуков (чанда) қурувчилар билан; ижро бошқармаси томонидан қурилаётган янги идора биноси.

Засим Соколов олган суратлар.

Ҳамшаҳарларимиздан таҳририятимизга фаолият кўрсатаётган кичик ва хусусий корхоналар ҳақидаги илиқ фикрлар билдирилган кўплаб хатлар келиб турибди. Уларнинг айримларида ўз миннатдорчиликларини «Оқшом» газетаси орқали изҳор этишларини ҳам сўраб илтимос қилинган.

Хусусийлаштириш — давр талаби

ҚАФОЛАТЛИ ТАЪМИРЛАНАДИ

Мана, қўлимизда Шайхонтоҳур тумани «Камолон» маҳалласи ҳудудидан жой олган «Дониёр» уй-жиҳозлари маиший техникаларни таъмирлаш кичик корхонаси ишчиларига билдирилган ташаккур хати. Биз хатни ўқиб беришдан кўра, шу кичик корхонанинг иш фаолияти билан бошқаларни ҳам таништиришни маъқул топдик.

Кичик корхона раҳбари Асатилла Сайфуллаевни кичкинагина устахона ичида учратдик. Миннатдорчилик билдирилган мактублар ҳақида у кишига айтганимизда «Раҳмат» дедию, яна қўшимча қилиб «Ҳали оғизга тушадиган ишлар қилганимиз йўқ» деб қўйди. Камтарлик қандай яхши фазилат...

Ҳали кўп ишларни амалга оширишмаган бўлсада, лекин Асатилла акадан кичик корхона ҳақида гапириб беришларини сўрадик.

— 1994 йилнинг март ойига қадар кир ювиш машинаси, музлатгич ва хоналарни совутгичларни таъмирлайдиган оддийгина устахонада ишлардик. Бора-бора кўплаб эҳтиёт қисмлар топилмай қолди. Ўша кезларда агар ҳамма фойдаси кўп келадиган ишга ўзини ураверса, унда бу ишни ким қилади, деган савол мени қийнай бошлади. Ҳамкасбим Олим Шарипов билан келишиб, устахонани хусусийлаштириб олиб, сўнг биргаликда ишлашга киришдик. Икки киши бўлишимизга қарамай шаҳарда кафолатли таъмирлашни йўлга қўйишни асосий мақсад қилиб олдик.

Ҳозир сафимизга яна тўрт киши қўшилди. Рафиқам Муяссар, ўғлим Дониёр, Ҳожиакбар Муродов ва Галина Мироновалар билан биргаликда янада яхши ишлашга ҳаракат қилмоқдамиз.

Бизнинг иш услубимиз бошқа таъмирлаш корхоналариникига мутлақо ўхшамайди. Нега десангиз, буюртма олганимиздан сўнг керакли асбоб-ускуналаримизни олиб ўша хонадонга бориб, мижознинг кўз ўнгида барча ишларни амалга оширамиз. Бошқалар бундай қилмайди. Масалан, улар оддий музлатгичнинг мотори ёки рельесини пайвандлаш керак бўлса, албатта олиб кетиб 5—10 кундан кейин хабар беришади. Биз эса шу вақтнинг ўзида пайвандлаб, фойдаланишга яроқли ёки яроқсиз эканлигини аниқ айтиб берамиз. Таъмирланган жаҳозларга бажарилган ишига қараб 6—10 ойга қадар кафолат муддати берилади.

Яқиндан бошлаб биз музлатгич ичидаги музхонанинг тешилиб қолган жойини ҳам пайвандлашни йўлга қўйдик. Музхонани олиб яна қайта қўйилиши ёки бошқаси билан алмаштирилиши мижозларга қимматга тушаётган эди. Эндиликда таъмирлашга сарфланаётган вақтнинг қисқарганлигини ҳисобга олиб бажарилган иш учун 30 фоиз арзон ҳақ олинади. Жамғарилаётган фойданинг учдан икки қисмини бўладиган сарф-харажатга ишлатяпмиз. Бир қисми ўз ҳисобимизга сарфланаяпти. Шу туфайли ҳам Красноярск ҳамда Челябинск шаҳрига бориб ўз ҳисобимиздан энг керакли эҳтиёт қисмларни сотиб олиб келаяпмиз. Булар учун қанчалар машаққат чекмайлик, лекин одамларнинг чин кўнгилдан билдирган миннатдорчиликлари бизни янада унумли ва сифатли ишлашга чорлайди. Бир ой мобайнида 15 нафар хонадонга хизмат кўрсатган бўлсак, уларнинг айримларига имтиёзли равишда ишларни бажариб бердик. Кам таъминланган, қаровчиси йўқ нафақахўрлардан Анвар Исмоилов ҳамда Мустақим Ғуломовга ўхшаган қарияларга бепул хизмат кўрсатиб, улар олқишини олдик.

Корхонамизнинг хусусий бўлганлиги мана шу томондан жуда қўл келмоқда. Чунки топилган фойдани ўз ихтиёринг билан расамадига қараб сарфлайсан. Иложини топсанг хайрия ишларини ҳам амалга ошираверар экансан. Биз ҳамма ишларни бажариш билан бир қаторда кафолатли, сифатли таъмирлаш иши асосий вазифамиз эканлигини унутмаслигимиз керак деб ўйлайман.

Гулзода МАМБЕТОВА.

Туркистон—умумий уйимиз

ҚОН-ҚАРДОШМИЗ, ВАТАН БИЗГА ТАБАРРУК ТУРОН!

Эртага Тошкентда «Туркистон халқлари маданияти форуми»нинг биринчи қурултойи ўз ишини бошлайди

Ислом КАРИМОВ:

Биз қўшниларни танлаган эмасмиз. Худо таоло ўзи бизни қозоқ, қирғиз, тожик, туркман халқлари билан бир заминда ёнма-ён яратган. Натижада қадим-қадимдан Турон замин бу халқлар учун умумий уй, хонадон бўлиб кетган.

Кўз олдингизга келтиринг: йўл юрасиз, ҳали яйловдан ўтасиз, ҳали тоғ сари ўрлайсиз, ҳали нигоҳингизни пахтазорлар тортади, ҳали жўшқин сувларни кўриб хаёлингиз бойланади. Сезгандирсиз бу бойлиги чексиз, гўзалликда тенгсиз Турон замин — бизнинг она Туркистонимиз. Бу замин халқлари «Сен кимсан?» деб сўрамайди. «Кел, жигарим» деб кутиб олади. Топган-тутганини дастурхонга қўяди. Сени тўрга ўтказиб ўзи пойгакда ўтиради. Одам деса, дўст деса жонини беришга тайёр туради. Бу Турон заминнинг — дини бир, дили бир, келажак йўли бир бўлган халқларининг азалий урф-одати.

Азиз муштарий! Эртага серқуёш юртимизнинг сўлим пойтахти Тошкент шаҳрида «Туркистон — умумий уйимиз» шиори остида «Туркистон халқлари маданияти форуми»нинг биринчи қурултойи ўз ишини бошлайди. Шу муносабат билан биз гўзал диёримизда яшаб, меҳнат қилаётган, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида жонбозлик намуналарини кўрсатаётган туғишган қозоқ, тожик, туркман, қирғиз халқларининг вакилларига сўз бердик. Улар ўз сўзларида юртимизни дўстлик диёри, саховат диёри деб таърифлаган бўлсалар не ажаб. Худди шундай қардошларимиз шеърларидан тайёрланган гулдаста ҳам ўзининг ранго-ранглиги билан сизга манзур бўлади деб ўйлаймиз.

Машҳур қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов билан суҳбатлар ҳамиша жўшқин тарзда ўтади.

Султон АКБАРИЙ

ҲАР КИМНИНГ ВАТАНИ БОР

Деҳқоннинг ватани — сабзавор боғи.
Тоғлиқнинг ватани — какликли тоғи,
Ғоввоснинг ватани — денгиз қирғоғи.
Ҳар кимнинг талпинган ўчоғи бордир.

Ватандир қумлоқ ҳам, какрали чўл ҳам.
Дарада қамалган феруза кўл ҳам,
Сўқмоқдан бошланган жайронзор йўл ҳам.
Ҳар кимнинг марварид булоғи бордир.

Ҳар кимга ўзининг остонаси хуш,
Ҳар кимга ўзининг муҳаббати туш,
Ҳар кимга ўзининг хаёллари қуш,
Ҳар кимнинг булбулли бутоғи бордир.

Ватаннинг яхшиси, ёмони бўлмас.
Ўзансиз дарёнинг шамоли бўлмас.
Беватан одамнинг камоли бўлмас,
Ҳар кимнинг фарахбахш қучоғи бордир.

Мен тавоф айладим бешта шарифни,
Кўрдим Рим, Париждай сулув, зарифни,
Туркистон деганда қилдим таърифин,
Ҳар кимнинг ўз ёққан чироғи бордир.

Тоғлари арчали, боғлари қирмиз,
Гул Ватан қўйнида чоғлари қирмиз,
Меҳмондўст жойлари Фарғона, Термиз,
Султоннинг ғунчали дудоғи бордир.

Атоқли тожик адиблари Фотиҳ Ниёзий ва Мўмин Қаноат ҳамда ўзбек алиби Жонрид Абдуллахонов қизғин баҳс устида.

— Бирон бир анжуман йўқки, у ҳаётимизда муҳим роль ўйнамаган бўлсин. Олимлару уламолар, санъатқорлар, адиблар бир-бири билан дийдорлашар эканлар, улар албатта ўз халқларининг энг эзгу тилакларини бир-бирларига изҳор этадилар, яхши тилак эса ярим давлат дейдилар.

Эртага ўз ишини бошлайдиган «Туркистон халқлари маданияти форуми»нинг биринчи қурултойи ҳам айнан шундай олий мақсадларни ўзида мужассам этади, халқларимиз юрагидаги орзу-умидлар руёбига ҳисса қўшади.

Дастлаб ўзимизга бир савол берайлик: ушбу халқаро анжуманни ўтказишдан қандай мақсадлар кўзда тутилмоқда. Барчамизга маълумки, ҳозирда Марказий Осиё деб аталаётган, қадимдан Турон ёки Туркистон номи билан дунёга машҳур бўлган бу минтақа халқлари неча минг йиллардан бери қўлни қўлга бериб, қондош-жондош бўлиб, ахил, ҳамжиҳат яшаб келганлар. Бу ерда ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, тожиклар ва туркманлар бир ота-онанинг болаларимиз, эту тирноқ, жону жигармиз. Тарихимиз, томиримиз, маданиятимиз, тақдиримиз муштарақдир. Биз қўлни қўлга бериб, дилларни дилларга улаб бир сафда елкама-елка туриб ҳамкору ҳамдаст бўлганда қудратимизга дуне тан берган. Туркистоннинг шуҳрати оламга таралган. Аммо афсуски, биз ўзаро низо, нифоқ қилиб парчаланиб, ожизланиб қолган даврлар ҳам бўлди. Шу пайтларда бошқалар бундан истифода этишди, бизни оёқ ости қилишди.

Оллоҳга шукрки, бизга ҳам истиқлол қўёши қулиб боқди. Бугун беш мустақил давлатмиз. Қўлни қўлга бериш, ҳамжиҳатлик қилиш учун ҳеч қандай монелик энди йўқ. Фақат ўзимиз астойдил шу ишга киришсак ва интилсак бас. Мана шу эзгу орзу-умидлар билан Туркистон халқларининг вакиллари, асл фарзандлари катта анжуманга тўпланмоқдамиз. Фан, адабиёт ва санъат аҳлари орасидаги ҳамжиҳатлик халқларимиз ўртасида ҳамжиҳатликка айланиб кетса ажаб эмас. Чунки адабиётлар дўстлиги — халқлар дўстлигидир. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, бу дунёда бирлашган ютади, бирлашмаган ютқазади. Чунки олдинда ошадиган қанчадан қанча катта довонларимиз бор. Бу довонлардан дўстлик, иноқлик деган куч бизга ҳамроҳ бўлса қандайдир соз бўлади.

Юртбошимиз «Туркистон — умумий уйимиз» ҳаракатининг ташкилотчиси, ташаббускори бўлганини, айниқса, шу бугун зур қониқиш билан таъкидламоқчиман. Ушбу ҳаракат фақатгина диёримизнинг, унда яшаётган халқларнинг осойишталигини ўйлаб олга сурилгани йўқ, балки Марказий Осиё минтақасининг эртаси, барча халқларнинг тинчлиги, тотувлиги, яқдиллигини таъминлаш йўлидаги улуғ ғамхўрлик деб биламиз. Форумда ғоят муҳим масалалар муҳокама этилади, зиммамизга янги вазифалар юкланади, режалар белгиланади. Зеро форумни мен қалдиргоч деб атагим келади. Чунки ҳар қандай замонда ҳам қалдиргоч янги, яхши кунларни ўз қанотларида олиб келган, баҳордан дарак берган.

«Туркистон — умумий уйимиз». Бу сўзни айтиш осон. Лекин уйнинг тинчлигини, фаровонлигини, бахтиёрлигини, унда яшайдиган одамларнинг эзгу ниятлари руёбини таъминлаш зарур. Аминманки, биз мана шунга эришамиз. Шу мақсадда саъй-ҳаракатларимизни бирлаштирамиз. Шу ниятда қалбимиз ёниб яшаймиз, ўзимизнинг энг сара асарларимизда мангу дўстлигимизни қуйлаймиз.

Адабий дўстлик - абадий дўстлик деб бекорга айтишмайди. Биз қозоқ адабиётининг асосчиси Абай юбилейини ўз юртимизда катта тантана билан нишонладик. Фирдавсий қаламига мансуб бўлган «Шоҳнома»нинг ҳам 1000 йиллигини кутаринкилик билан байрам қилдик. Қирғиз халқининг қаҳрамонлик эпоси «Манас»нинг 1000 йиллик туйи худди Алпомишимизнинг туйи сингари улкан байрамга айланиб кетди. Буюк туркман шоири Махтумқулининг шеърларини кўзимизга суртиб ўқиймиз, тўю тантаналарда ашула қилиб айтамиз. Чингиз Айтматов китоби кирмаган ўзбек хонадонини ким топиб беради! Хуллас, адабий даврамизда бегоналар йўқ. Ҳамма қон-қариндош, дусту биродар. Бу давра тепасида замонамизнинг буюк ёзувчиси, қирғиз адиби Чингиз Айтматовнинг турғани эса қалбимизни ифтихорга тўлдиради.

Ўйлаймизки, бу анжуман биродарлигимиз, ҳамжиҳатлигимиз йўлидаги дадил қадам бўлади. Ҳамкорлигимиз, асрий биродарлигимизнинг яна бир ёруг саҳифаси бўлади.

ҲАМЖИҲАТЛИК РАМЗИ

Жамол КАМОЛ,
Ўзбекистон халқ шоири,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси:

— Ҳозирги кунда халқлар ўртасидаги дўстлик, қон-қардош, биродарлик ғояси, ҳаётимиз кўзгуси бўлмиш — бадиий адабиётимизда ҳам ўз ифодасини топиб, халқларимиз равнақи ва камолоти йўлида хизмат қилмоқда.

Уни биз ўзбек адабиёти мисолида, унинг ҳозиржавоб жанрларидан бири ҳисобланган поэтик асарларда ҳам яққол кўришимиз мумкин. Чунки, ўзбек шоирлари асарларини кўздан кечирар эканмиз улардан қардош халқлар ҳаётининг акс садосини, туғишган халқ фарзандларининг бунёлкорлигини, меҳнат зафарларини, қардош халқ урф-одатларини, ҳаётини кўрамиз, ўзаро дўстлик, қон-қардош туйғулари мужассам эканлигига шоҳид бўламиз. Дўстлик мадҳини зўр овоз билан жаранглатиб куйлаган Ғафур Ғулом, Ойбек, Уйғун, Мақсуд Шайхзода, Зулфия, Миртемир, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Шукрулло, Назармат, Жуманиёз Жабборов каби ўзбек шоирлари номини алоҳида тилга олиш жоиздир. Ўзбек шоирлари ўз халқи ҳаётини, тақдири ва табиатини, Ўзбекистоннинг серфайз манзараларини, меҳнат кишиларининг орзу-умидларини, «оқ олтин» бунёдкорларини кенг куйлаш билан бир қаторда қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, тожик, туркман халқлари ҳаётига ҳам мурожаат этиб, улар турмушини мадҳ этувчи талай-талай асарлар яратдилар, халқларимиз дўстлиги ва биродарлигини ғоят улуглаб, иноқлик, тотувлик ғоясини уз ижодларининг қизил ипига айлантирдилар. Ҳассос қалам соҳиби Ғафур Ғулом «Қозоқ элининг улуг туйи» номли шеърида;

Минг йилларга бар
тутқазмас,
Қондошлик тарихимиз,
Икки бошга бир
манглайдай,
Ярқироқ тақдиримиз,

деб ўзбек-қозоқ халқлари дўстлигини меҳрона тилга олиб, жўшиб куйласа, Ўзбекистон халқ шоири Уйғун ўзининг «Қозоқ қардошимга» номли шеърида қардош ва жондош ўзбек-қозоқларнинг азалий дўстлигини

Бизнинг дўстлигимиз
қадимдан жуда
Қиз олиб, қиз бериб
бўлганмиз қуда.
Гул теріб келганмиз
бирга, бир ердан,
Бирга сув ичамиз, дарёи
Сирдан.

деб куйлаган эди.

Оқсоқол шоир Миртемир «Абай-бобой», «Қозоғим», «Қирғизистон», «Қимиз», «Собит ога», «Аму балиги», «Қорақалпоқ дафтари» каби бир қанча шеърларида қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, тожик ва туркман халқларига мос келадиган иборалар, сўзларни топиб ишлатади, ажойиб манзаралар чизади. Шу билан бирга, улар асарларида қардош халқларга бўлган меҳр-муҳаббат, дўстлик туйғуси ўз ифодасини равон топа олган.

Ўз-ўзидан равшанки, ҳар бир шоир қайси бир халқ ҳаётига мурожаат этмасин, ўша халқ урф-одатига мос келадиган ибораларни топиб ишлатади ва ғўзал ташбеҳлар чизади, дўстлик ва қардошлик тароналарини жўшиб куйлайди. Буни қозоқ шоирлари ижодида ҳам кўриш мумкин.

Бундай ҳолларни Зулфия, Туроб Тўла, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Рамз Бобожон, Жуманиёз Жабборов, Эътибор Охунова шеърларида ҳам яққол кўрамиз.

Умуман айтганда ўзбек шоирлари қардош қозоқ, қирғиз, тожик, туркман ва бошқа халқлар ҳақида, уларнинг ҳаёти, турмуш тарзи тўғрисида асарлар яратишни ўз ижодларининг асосига айлантиришган. Бу, албатта, тўғри, чунки халқлар дўстлиги ва биродарлиги халқ ҳаётининг кўзговчи кучи, ҳамма ютуқ ва зафарларимизнинг гаровидир. Шундай экан қалам соҳибларимиз халқлар дўстлиги, иноқлик, биродарлик ғоясини уз ижодларининг негизи сифатида танлаб, уни кенг мадҳ этсинки, олам янграб кетсин. Бу нарса бугунги ижодкорлар қаламида ҳам алоҳида урин олмоғи лозим. Чунки мустақил давлат бўлиб, ўз тақдиримизга эга яшаётган бир пайтда, бу дўстлик туйғусини, бирлик, иноқлик ғоясини яна ҳам кенг, яна ҳам теранроқ ёритиш ҳар бир ижодкорнинг асосий бурчидир.

«Туркистон — умумий уйимиз» шиори асосида эртага очилажак «Туркистон халқлари маданияти форуми»нинг биринчи қурултойи ана шу дўстликни, иноқликни янада кенг ривожлантиришда катта омил бўлади. Шундай экан, халқларимиз дўстлиги ва биродарлиги камол топаверсин. Унинг камолоти халқларимизнинг бахт калитидир.

БИРОДАРЛИК ҚУЙЛАРИ

Қалибек СЕЙДАНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қозоқ адабиёти кенгаши раиси, «Нурли жол» газетаси бош муҳаррири, филология фанлари номзоди:

— Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги иқтисодий, адабий ва маданий алоқалар узининг узоқ тарихига эга. Олис замонлардан бери ёнма-ён, кўп ҳолларда бир давлат таркибида яшаб келган ўзбек ва қирғиз халқларининг тарихи, маданияти, урф-одатлари, турмуш тарзларида муштарак жиҳатлар жуда кўп. Айниқса, икки республика мустақилликкга эришганидан кейин халқларимизнинг адабий-маданий алоқалари янги босқичга кўтарилди.

Туркистон халқларининг, хусусан ўзбек, қирғиз халқларининг қадимдан қон-қардош эканлиги халқ ижодида, фольклорда ўз аксини топган. 1995 йилда 1000 йиллик юбилейи бутун дунёда байрам қилинган қирғиз халқининг уммонсифат «Манас» эпосида Туркистон халқларининг дўстлиги, қуғиз оқини Аали Тўқамбоевнинг биринчи шеърлар тўплами 1927 йилда Тошкентда босилган. Биринчи қирғиз талабалари Тошкентдаги қирғиз Маориф институтида, Урта Осиё Коммунистик Университети (САКУда ва олий ўқув юртларида ҳамда техникумларда таълим олишган. Қирғиз адиби Қ. Жонтўшевнинг «Қорасоч» номли илк пьесаси 1926 йилда Тошкентда яратилган.

Икки халқ адабиёти ва санъатининг ўн кунликлари ва адабиёт классикларининг юбилейлари мунтазам ўтказиб турилади. А. Тўқамбоев, Т. Ўметалиев, К. Маликов, С. Эралиев, Ю. Турсунбеков, Т. Сидиқбеков, Т. Қосимбеков, Ч. Айтматов, М. Жонғозиев, С. Жўсуев каби қирғиз оқинлари ва ёзувчиларининг асарлари ўзбек тилида, ўзбекистонлик адиб ва шоирлардан Ҳамза, А. Қодирий, Ҳ. Олимжон, Ғафур Ғулом, А. Қаҳҳор, Уйғун, К. Яшин, Зулфия, Ш. Рашидов, Шайхзода, Миртемир, О. Ёқубов, А. Орипов ва бошқаларнинг асарлари қирғиз тилида қайта-қайта босиб чиқарилган. Қирғиз халқининг улкан эпоси «Манас» ўзбек китобхонларига етиб боришида Миртемир домла билан Султон Акбарийнинг хизматлари мақтовга сазовордир.

Ўзбекистонда қирғизлардан таниқли давлат ва жамоат арбоблари етишиб чиққан. Ғудаклигида ота-онасидан жудо бўлиб етим қолган Исҳоқ Раззоқов (1910—1979) Ўзбекистон Маориф вазири, Давлат режа қўмитаси раиси ва компартия Марказий қўмитаси котиби бўлиб ишлаган. Азиз Тўқтаboев (1912—1995) Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент вилояти қўмитаси биринчи котиби бўлиб ишлаган. Меҳнат Қаҳрамони ва профессор даражасига етган эди.

Қирғизистон билан Ўзбекистон халқлари, умуман Туркистон халқлари ўртасидаги адабий, маданий ва иқтисодий алоқалар тобора камол топмоқда. Бундан ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас. Бир дарёдан сув ичган, бир чинорнинг япроқлари бўлган халқлармиз, жону жигарлардирмиз. Бизнинг асл ютуғимиз, буюклигимиз ана шунда!

Тошкентда ўтадиган «Туркистон халқлари маданияти форуми»нинг биринчи қурултойи эса асрий бирлигимизнинг яна бир бор эл кўзида намоён бўлишидир.

БИЗЛАР АЛП ЧИНОРМИЗ

Сулон ҚОРАЕВ,
олим, Қирғизистон Давлат университетининг фахрий профессори:

— Инсон фарзандлари бир танадаги аъзолар каби бир-бирларидан жудо бўлолмайдилар. Ҳамма инсонларнинг отаси — Одам Ато бўлса, онаси — Момо ҳаводир. Улар эзгуликда гавҳарга тенгдир. Агар инсон аъзоларидан бири дард чекса, бошқа аъзолар ҳам ўз оромини йўқотади.

Айтишларича, Шайх Саъдийнинг ушбу қитъаси БМТ биносининг пештоқига зар ҳарфлар билан битилгандир. Жумҳуриятнинг байналмилал рўзномаси бўлмиш «Овози тожик» ҳам ушбу шиорга амал қилади. Ўзбегу тожик ҳам кўп асрлардан буён бир ота-онанинг фарзандларидай яшаб келадилар.

Ўзбек билан тожикнинг дўстлиги ҳақида сўзлаш менга баъзан ғалати туюлади. Ўзбек ёки тожик билан зангидан (чашмасидан) сув ичади. Ҳақиқий ишқни тил билан баён қилиш қийин. У мисли гулнинг ёкимли ҳидидай анқиб туради.

Гулистоннинг руҳбахш насими дилларни қитиқлайди. Фақат офтоб ғафлатдан бизни уйготади. Улуг Умар Хайём Нишопурий рубоийларидан бирида дебдурлар:

«Ишқ абадий умр
осмонининг қуёшидир.
Бир қуҳдирки, саодат
чаманида ошиён
қуради,
Ҳар дам маъшуқа
ситамидан ўлсанг ҳам
нола чекмаслик ишқдир».

Ҳа, ишқ — муҳаббат ва биродарлик ҳақида ҳар қанча гапирсак шунча оз!

Сабаби улар нон кабидир.

Тўйларда бирга ўйнаймиз, хонадонларимизда ўзбекона, тожикча қўшиқ қуйлайдилар, тақводорларимиз жойнамоз устида юзларини бир тарафга қаратиб ибодат қиладилар. Икки тилда ёзувчи адибларимиз ҳам кўп. Мавлоно Абдураҳмон Жомий ва Мир Алишер Навоийлар бегона эмаслар. Тиллога тенг инсонлар, пиру муршид, устозу шогирд, уларнинг руҳий биродарликлари бир-бирларига илҳом манбаи бўлиб хизмат қилган. Мавлоно Жомий ўзбек тилига эҳтиром билан қараган, Алишер Навоий эҳтиромининг ғоят зўрлигидан форс-тожик тилида Фоний тахаллуси билан девонлар яратган. Икки тилни қиёсий ўрганиб, «Муҳокаматул-луғатайн» асарини ёзган. Бизларнинг ҳамкорликдаги биродарлик дарахтимиз ҳамиша ва ҳамма вақт шириндан ширин, шаҳду шакар мевалар беради.

Сомонийлар салтанатидан кейин, гарчи Турон замин амирлари, шоҳлари турк қитъуй бўлсаларда давлат тили форс-тожик тили эди. Ҳужжатлар, адабиётларнинг аксари форс-тожик тилида яратилди.

Ҳа, Туронзамин бизнинг умумий уйимиз, азалий маъвомиздир. Бу минтақада ўзбегу тожик, қозоғу қирғиз ва туркману қорақалпоқ дўсту биродарликда яшайдилар.

Агар Марказий Осиёда беш давлат истиқлолда яшаса, ҳаёт осуда ва обод бўлғусидир...

ҲАЁТ ЧАМАНИНИНГ ҚУШИ

Абдулла СУБХОН,
шоир, «Овози тожик» газетасининг бўлим мудири:

— Тарих зарварақларини очар эканмиз, эли элига, дили дилига яқин бўлган ўзбек ва туркман халқларининг узоқ мозийдан ҳамжиҳатликда елкадош бўлиб яшаб келаётганлигига амин бўламиз. Тақдирлари ҳам, келажаклари ҳам бир бўлган ўзбегу туркманлар ғуё бир китобнинг икки саҳифаси.

Ҳозирги замон туркман адабиётининг оқсоқолларидан бири бўлган Берди ога Кербобоев ўзбек-туркман алоқаларининг теран томирларига эгалигини тўлиб-тошиб шундай ёзган эди: «Юртимизда яшаётган халқларнинг ҳаммаси бир-бири билан тутишган бўлса, ўзбек ва туркман халқлари бир онанинг эгизак болаларидир. Ўзбек халқи билан бизнинг бошдан кечирган турмушимиз, шу кунги ҳаётимиз, келажак иқболимиз ўхшаш, урф-одатларимиз, дилимиз, жонимиз, ҳатто қайноқ қонимиз ҳам ўхшашдир. Туркманистон билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама алоқа асрлардан бери давом этиб келади. Бугун бошдан кечирганлари, келажак ҳаёти, бугун тақдири бир бўлган икки халқнинг орасида қўприк бўлиши мумкин эмас. Биз бир-биримизникига қўпириссиз қатнаймиз».

Тарихий-этнографик маълумотлар ҳам юқоридаги фикрларни исбот этади. Зотан, ўзбек уруғлари орасида туркман номли уруғларнинг бўлиши, туркманларда ўзбек уруғларининг учраши ҳам бундан далолат беради. Ҳа, улар бир-бирларига қиз олиб, қиз беришган, қуда-анда бўлган халқлардир.

Ўзбек ва туркман халқлари бугунги кунда ҳам бир даредан сув чиқариб, она Туркистонимизни боғ-бўстонга айлантирмоқдалар. Оташин шоиримиз Мақсуд Шайхзода «Ўзбек-туркман бир дугон, бир туғишган» номли шеърида мазкур тарихий ҳақиқатни шеърий мисраларда шундай ифодалаган эди:

Ўзбек, туркман-бир дўгон,
бир туғишган,
Тарих деган бир мактабда
ўқишган.
Дарёлардек қадим
бизнинг йўлдошлик,
Ғоят қутлуғ удум дўстлик,
қардошлик.

Бу мисралардаги ғоялар туркман шоири Қора Сейтлиевнинг дўстлик туйғуларини таранням этувчи қўйидаги сатрларида янада ривожлантирилади:

Ўзбек эли, туркман эли
қадимдан,
Жайхун дарё соҳилида
барқарор.
Ўзбек эли, туркман эли
қадимдан,
Икки қардош — бир-
бирига мададкор.
Икки қардош — бир-
бирига кўмаклош,
Икки қардош, иккиси ҳам
бахтиёр.

Шоирлар куйлагандек, адабий алоқаларнинг замини бу иккки халқнинг теран томирлари сингари узоқ-узоқ ўтмишдан бошланади. Шунлар оқиб, ўзбек адабий муҳитидан бахраманд бўлганлиги, асарларининг кўп қисмини Ўзбекистонда ёзганлигидан бўлса ажаб эмас.

Кейинги йилларда туркман адабиётининг ўнлаб роман ва қиссалари, шеър ва достонлари, ҳикоя ва очерклари, бир қанча саҳна асарлари ўзбек тилига таржима қилинди. Уларнинг орасида каминанинг «Танланган асарлар»и, Б. Кербобоевнинг «Дадил қадам», «Небитдог»романлари, «Ойсултон» ва «Қувноқ жаббоқлар» қиссалари, «Махтумқули» драмаси, «Туркманистон баҳори» шеърий тўплами, О. Ковшутовнинг «Қўпетдог этагида» романи, Хидир Дерянвеннинг «Қисмат» романининг биринчи ва иккинчи китоблари, Б. Худойназаровнинг «Саҳройилар», Қ. Кулиевнинг «Қора қарвон» романлари, Қ. Сейтлиев, А. Ковусовларнинг «Қалб армуғони» шеърлар тўплами, Б. Сейтқов, Қ. Қурбансахадов, Қ. Қурбан нафасон, Ч. Аширов, Т. Қурбонов, Р. Эсенов, Қ. Тангриқулиев, Т. Эсенова, М. Сеидов, Р. Собиров, А. Хаитов, Н. Байрамов ва бошқаларнинг шеърий ва насрий асарлари диққатга сазовордир.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги адабий, маданий, иқтисодий алоқаларнинг илдизлари доимгидек мустаҳкам. Аждодларимиз томонидан бунёд этилган яхши қўшничилик анъаналарининг теран томирларига янада куч-қувват, руҳий озиқ беришимиз ва уни ҳар томонлама қучайтиришимиз даркор. Ана шунда умумий уйимиз бўлган Турон замини пойдевори метиндек мустаҳкам турaверади.

ТЕРАН ТОМИРЛАР

Машариф САФАРОВ,
филология фанлари номзоди:

Абираш ЖАМИШЕВ, қозоқ шоири

БИР ГУЛЗОРНИНГ ГУЛИМИЗ

Қардошгинам, ўзбек оғам сўзи бод.
Йиғиб келди, бағрингга бос, кутиб ол.
Тутилгандан бир тупроқда яшаймиз.
Уч-тўрт оғиз ўлан айтай, қулоқ сол.

Бирга чиққан бийрон-бийрон тилимиз,
Бирга урган юрагимиз — дилимиз.
Биз иккимиз бир дарахтнинг олмаси,
Биз иккимиз бир гулзорнинг гулимиз.

Чарчаб-толиб бир тўшакда ётганмиз,
Кенг даланинг тонги бўлиб оттанмиз.
Тақдир бизга оғу тутса, бол берса —
Таваккал деб барин бирга тоттанмиз.

Биз шундай дўст, иноқ бўлиб ўтармиз,
Оқ ниятдек оқ йўлдан бир кетармиз,
Биз иккимиз, ўйлаб турсак, бир кўзнинг
Оқи билан қорачиғи — дўстларимиз.

Бир юракка сиғмайди бор сиримиз.
Бир илҳомдан қўйнлади шеъримиз.
Суянгимиз, қонимиз бир қардошимиз —
Ловилласин бирга юрак қўримиз!

Совронбой ЖУСУЕВ, қирғиз шоири

ОЗОДЛИК ҚУЁШИ БОШИНГДА

Олатовга тегиб турар тўпларинг,
Тонг қуёши ювган чехрангни сенинг.
Боқсам ўғирлайсан ақлу ҳушларим,
Жаҳонга бергусиз хазинам менинг.
Тенгсиз гулшанимсан, Қирғизистоним!

Чоқир ирмоқлардир жон томирларинг
Яйловларда ёнган гулхан — чироғинг.
Яшариб борасан — куй ўтган сари
Бахтиёр чехралар — нурли нигоҳинг.
Она Ватанимсан Қирғизистоним!

Поёнсиз яйловлар — яшил гиламдир.
Тоғларинг бедадд бойликларга кон.
Баҳоринг бир гўзал, кузинг малҳамдир.
Ноз-неъмат хирмони мисоли осмон.
Бойсан, чаманимсан Қирғизистоним!

Дўстларга узатдинг ҳар маҳал қўлинг,
Қудратли одимла келажак томон.
Ҳамиша беҳатар дўст билан йўлинг.
Озодлик қуёши бошингда омон
Она Ватанимсан Қирғизистоним!

Бобо ҲОЖИ, тожик шоири

МЕРОСИМ

Отам менга қолдирмади зар, инжу,
Молу давлат қолдирмади нақ тоғ-тоғ,
Поклик деган бир китоб қолдирди у.
Ҳам адолат, ҳавас деган жуфт қарғ.

Отам менга ўргатди: бўлгин ҳалол,
Тўғри йўлни танлашга у шайлади.
Йиллар мендан ололмагай — чин иқбол
Юрт ишқини юрагимга жойлади.

Қудратим гар бўлса ҳамки мисли тоғ,
Лек бермасман чумолига ҳам озор.
Адолату ҳақиқат учун бироқ
Рустам каби жанга киргум боякбор!

Отам меросини сақлай авайлаб,
Тақдиримдан розидурман минг-минг бор.
Дўстга, юртга садоқатим, адолат —
Қолажакдур фарзандимга бир ёдгор.

Қозоқ адибларини Ўзбекистонлаги адабий жараёнгина эмас, балки меҳнат билан бунёд бўлган пахтазорлар ҳам ўзига ҳамиша тортиб келади.

Бердиназар ХУДОЙНАЗАРОВ, Туркманистон халқ ёзувчиси

КАЛОМНИНГ ЎЗИ БАС

Сизнинг юртингизга илк ташрифим бу...
Эски дўстдай қучоқ очиб келдингиз.
Қадимий Чимбойда, ҳовуз бўйида,
Мени ҳаммадан ҳам тўрга олдингиз!

Сарҳовуз бўйида дастурхон ёзиб,
Қўйнинг калласини олдга қўйдингиз.
Эсдан чиқмас тилло табассум ила:
«Ичимизда ёшулли — Сиз!» — дедингиз.

Отамга, оғамга тенглар ичида
Илк бор мен синдирдим ўртада нонни.
Одат шундай ахир: меҳмонсевар Шарқ
Отадан ҳам улуғ тутар меҳмонни!

Бежизмас шоирнинг ушбу ташбеҳи —
Бахтли юртда тўй-йиғин кўп, байрам — кон.
Шеърият шаҳрига меҳмонга келган
Ўзбек Муҳаммад бу, қирғиз Майрамхон...

Жайхун дарёсидан ўн бора кечиб,
Гоҳо ўнг томонда, гоҳо сўлида,
Ганг айладик ҳафта бўйи барчамиз
Назм ватани — қорақалпоқ элида.

Демишларки, одам танимоқ бўлсанг,
Меҳмон бўлиб уйига бор ҳар доим...
Бизда бир-бировни танимоқ учун
Бир каломнинг ўзи басдир, Ибройим!

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукрулло туркман алиби Уктам Эминов ҳикоясини диққат билан тинглаяпти.

Дўстлик сарҳад билмайди

ТОЖИК УКАМ СУЛАЙМОН

...1972 йилнинг декабрь ойи эди. Ҳарбий хизматим Туркманистоннинг Марв шаҳридан Тошкент Марказий ҳарбий госпиталига ўтказилган, асаб касалликлари бўлими катта ординатори лавозимини бажаришга энди киришган пайтим. Бир куни кечга яқин бўлим бошлиғи мени ҳузурига чақириб, деди:

— Бугундан эътиборан кундалик иш тартибингиз бироз ўзгаради. Асосий иш жойингиз шу ер бўлса ҳам, вақтинча хизматни Госпиталь бозори ёнидаги филиалимизнинг юқумли касалликлар бўлимида ўтайсиз. У ерда ёш бир аскар йиринги эпидемик менингит билан оғир аҳволда ётибди. Ҳар куни икки маҳал беморнинг орқа миясидан суюқлик чиқариб, дори-дармон юбориш зарур. Бу даволашнинг энг замонавий ва самараси тез кўзга кўринадиган, бирдан-бир ишончли усули, биласиз. У ерга ҳозироқ боришингиз мумкин.

Йўл-йўлакай бош мия яллиғланиши — менингит касаллиги ҳақида ўқиган, билганларимни хаёлимдан ўтказиб, алоҳида хонада ётган бемор ҳузурига кириб келганимни ҳам билмай қолдим. Дастлаб унинг умумий аҳволини кўздан кечирдим. Оппоқ чойшабда оёқ-қўллари дока билан каравот четига боғланган, озғингина йигит шифтга қараб ётарди. Оғиз-бурнига кислород мосламаси тутилган, ўнг ўмрови яқинидаги йўғон қон томирига штативга ўрнатилган томчи дори тузилмаси уланган. Шу боисдан унинг нафас олиши равон, қон томирининг уриши ҳам бир меъёрда эди. Фақат кўзлари юмуқ, саволларга ҳам жавоб бермас, беҳуш эди. Пешонаси, танаси иссиқ, юзи ва аъзойи баданига палахса-палахса бўлиб, гултожихўрозга ўхшаш қизғиш, қўнғир тошмалар тошган. Ўнг кафтимни беморнинг энсасига қўйиб, бошини кўтаришга ҳаракат қилсам қотиб қолган бўйни олдинга эгилмасди, даҳани ҳам кўкраги томонга букилмасди.

Шундан кейин беморнинг касаллик тарихига кўз югуртирдим: «Ҳамроқулов Сулаймон. 1954 йилда туғилган. 1972 йилнинг ноябрь ойида Фарғона вилояти — Риштон шаҳридан ҳарбий хизматга чақирилган. Маълумоти ўрта, миллати тожик. Ўйланган».

Хуллас, Сулаймон — 1-1,5 ой деганда аста-секин оёққа туриб, куч-қувватга тўла бошлади, аммо ташқи муҳит билан алоқаси узилиб, на соатнинг чиқиллашини, на бировнинг гап-сўзини эшитарди. Шу пайтгача табиатнинг барча неъматлари, дилрабо оҳангларидан, ариқдаги сувларнинг жилдираб оқиши-ю, қушларнинг нағмаларидан, ором бахш мусиқа садоларидан бирданига бебаҳра бўлиш уни қаттиқ ташвишга солар, ўзини қўйишга жой тополмасди. «Бу аҳволда мен энди кимга ҳам керакман» деб йиғларди. «Ўзинг гапирсангу, бировнинг гапини эшитмасанг, англамасанг қийин экан. Энди буёқдаги ҳамма ишинг имо-ишора билан битар экан» дерди у маъюслениб. Бу аҳволга Маҳбуба қандай қарор экан? Менга бунақа эрнинг кераги йўқ дейдими ёки...»

Яхши ҳамки Сулаймон худо меҳрибончилик қилиб, ҳарбий хизматга жўнашидан атиги икки ой олдин Маҳбубахон деган қизга уйланган эди. Унинг бетоблигидан хабар топган рафиқаси қайнонаси билан бир неча бор кўргани Тошкентга, госпиталга келди-ю, Сулаймоннинг бироз кўнгли тинчигандек бўлди. У аввал Сулаймоннинг қулоғига паст овоз билан тожик тилида нималардир деб оҳиста пичирлади. Сулаймон рафиқасининг ҳар бир сўзи, имо-ишорасини диққат билан лабидан ушлаб, кўнгли аллақандай ёқимли ҳис-туйғуларга тўлди.

Орадан кўп ўтмай, 1973 йилнинг бошларида оғир касаллик қолдирган асоратни даволаш мақсадида Сулаймон мен ишлайдиган асаб касалликлари бўлимига ўтказилди. Энди биз ҳар куни деярли 2-3 соатлаб Сулаймон билан имо-ишора, хат-қоғоз орқали суҳбатлашардик. Мен Сулаймонга айтадиган гапларим, маслаҳатларимни катта-катта йирик ҳарфлар билан дона-дона қилиб 12 варақли дафтар саҳифаларига эринмай ёза берардим. У эса менинг ёзганларимни ўқиб, мендан руҳий мадад, куч-қувват оларди. Мен унга кўпинча: «Шунчалик омон қолганингизга шукр қилинг. Қулоғингиз эшитмаса ҳам кўзингиз кўради, оёқ-қўлингиз бут, ақлу ҳушингиз жойида. Энг асосийси, оилангиз бор. Маҳбубахон Сизни севади, ташлаб кетмайди. Умидсиз бўлманг, укажон» дердим. Бу орада Сулаймоннинг рафиқаси, қариндошлари тез-тез унинг олдига келиб, ўксик кўнглини тоғдек кўтариб туришди. Сулаймон ҳам тақдирга тан бера бошлади, ҳарбий-тиббий ҳайъат қарори билан хизматга нолойиқ деб топилиб, уйига жўнатилди.

1983 йилнинг кузида эшик тақиллаб қолди. Очсам Сулаймон рафиқаси Маҳбубахон билан турибди. Ака-ука қучоқлаша кетдик.

Маҳбубанинг айтишича, Сулаймон турли-туман бадиий, техник адабиётларни кўп мутолаа қилар экан. «Ёшлик» журналининг 1983 йил май сонида босилган хужжатли асарингизни ўқиб, Сизнинг ҳақингиздаги маълумотлар билан танишиб чиққач, ўзини қўйишга жой тополмай қолди укангиз. Суюнганидан журнални бағрига босиб, «Акамни топдим! Энди Тошкентга бораман» деб ҳаракатга тушиб қолди. Кейин журнал таҳририятига хат ёзиб, улардан уй манзилингизни олди. Роса севиняпти. Гапиринг энди, акангизга ичингиздаги дардларингизни! Нега жим ўлтирибсиз?» деди у бизнинг гапларимизга жимгина назар солиб, жилмайиб ўлтирган ёстикдошига.

— Нима дейман? Гапим йўқ. Акамни кўзим кўрди, кўнглим тўлди, — деди у ўзига хос майинлик билан бошини қимирлатиб менга тикиларкан.

Шу-шу икки оға-ини, Маҳбубахон ва рафиқам бир-биримизни топиб, ўзаро бордикелди қилиб турамиз.

1987 йилнинг декабрь ойи охири. Янги йил арафаси эди. Ярим кечада телефон узундан-узоқ жиринглаб қолди.

— Мен Риштондан: амаки, Умиджонман, — деган овоз қулоғимга эшитилди.

— Қалай, тинчмисизлар? Ота-онанг саломатми?

— Яхши, амаки, ҳаммамиз соғ-саломатмиз. Онам кеча қиз туғдилар! Укам Ҳуршиджон, синглим Ёқутхондан кейингиси бу. Дадам Искандар амакинг яхши исм қўйиб берсинлар деб илтимос қилдилар.

— Жуда яхши бўпти. Исми Муборакхон бўлсин! — дедим узоқ ўйлаб ўлтирмай.

Орадан бироз вақт ўтиб, совға-салом олиб, Муборакхонни қутлаб Риштонга бориб келдик. Мана, Муборакхон ҳам мактабда ўқияпти. Ҳаммасидан ҳам Умиджонни айтинг. Ўйланиб учта боланинг отаси бўлганига нима дейсиз?...

Бу ўтган гапларни эслаб ёзишимнинг боиси шуки, яқинда яна бир қизиқ воқеа бўлди. Бироз бетоб бўлиб, бундан 20 йилдан ортиқ ўзим хизмат қилган бўлимда даволаниб, ҳаёлан ўтган-кетган воқеаларни, хусусан, тожик укам Сулаймон Ҳамроқуловни ҳам эслаб, кўнглимда аллақандай ғашлик, безовталик пайдо бўлди. Орадан икки-уч кун ўтгач, мени кимдир йўқлаб келганлигини айтишди. Не кўз билан кўрайки, қаршимда ўша қадрдонларим: ким Сулаймон билан унинг рафиқаси Маҳбубахон туришарди. Яна қучоқ очиб кўришиш, яна дафтар-қоғоз, қалам, дилда меҳр-муҳаббат, садоқат ва оқибат...

— Сизларни қайси шамол учирди? Қаердан келяпсизлар? Сизларга менинг бу ердалигимни ким айтди?

— Укангиз уч-тўрт кун аввал Сизни тушларида оппоқ кийимда кўриб, «Акамга бир нарса бўлди, шекилли. Юр, бирров Тошкентга бориб, хабар олиб келамиз» дедилар, — деди Маҳбубахон кўзига астойдил ёш олиб. Ўйингизга келсак, ҳақиқатан ҳам касалхонада экансиз. Худо дардингизга шифо бersин!

Хулоса шуки, ҳақиқий дўст, биродар бўлиш миллат ва масофа танламайди. Ният яхши, кўнгил яқин бўлса, инсонлар бир-бирига яхшилик қилаверади, яхшилик тилайверади.

Искандар РАҲМОН.

Суратли ахборот

МАРД ИНСОННИ ХОТИРЛАБ

1935 йил. Шимолий Қутб забт этилаётган, дастлабки ҳаво дирижабллари учирилаётган пайт. Худди шу йили Ҳидоят ака Иноятов ўзига ўхшаган беш нафар абжир, чапдаст ўзбек йигитларини олиб жуда оғир шароитларда Тошкент — Помир — Қорақум — Москва велопойгасини ташкил қилади. Чўллардаги қийинчиликлару сувсизликлар, нотекис йўллар — уларнинг барчаси сафарга отланган мард ўғлонларнинг иродасини бука олмади. Улар бу билан ўзбек йигитларидан ҳам яхши спортчилар чиқиши мумкинлигини исботлашган эди.

Велопойганинг ташкилотчиси, ажойиб спортчи ва мард инсон Ҳ. Иноятов 1936-37 йилларда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасига раислик қилиб ўша вақтларда республикамизда спортнинг ривожланиши учун муҳим ҳисса қўшди. Қатағонлар авж олган 1937 йили эса Ҳидоят ака кўплар қатори ҳибсга олиниб, ҳеч қандай далил-асоссиз отишга ҳукм қилинади. У ўшанда айни кучга, илҳомга тўла 25 ёшда эди.

«Ҳақиқат букилса-да, бироқ синмайди», деганлари тўғри экан. 1958 йилда кўплаб ноҳақ қатағонга учраган кишилар қатори Ҳ. Иноятов ҳам ҳеч қандай асоссиз жазога маҳкум этилганлиги сабабли тўла оқланди.

Ўтган йили эса яна бир қувончли хушхабарнинг шоҳиди бўлдик. Шаҳримиздаги 18-болалар ва ўсмирлар спорт мактабига Ҳидоят Иноятовнинг номи берилди. Шу муносабат билан ушбу спорт мактабида қиличбозлик бўйича очиқ мусобақалар ўтказилиб, унда ўзбек спортчиларидан ташқари Қозоғистон, Қирғизистондан келган ёш қиличбозлар ҳам беллашишганди.

Куни кеча эса анъанавий бўлиб қолган Ҳ. Иноятов хотирасига бағишланган иккинчи қиличбозлик мусобақалари ўз якунини топди. Бироқ, муҳими унда ғалаба қозониш эмас, балки ўз ҳаётини спортни ривожлантиришга бахшида қилган, ҳалол ва пок инсон хотирасини ёдга олиш, қолаверса мактаб ўқувчилари ўртасида спортга меҳр уйғотиш эди. Мусобақа жуда қизиқарли ўтди. Унда иштирок этган ўсмирлар Ҳидоят Иноятов ҳаётига оид кўргазмани мириқиб томоша қилишди. Унинг қизи Ҳурриятнинг отаси тўғрисидаги хотираларини ҳаяжон билан тинглашди.

Дилшод ИСМОИЛ ўғли.

СУРАТЛАРДА: Ҳурриятнинг Отажонова ёш қиличбозларга отасининг ҳаёт йўли тўғрисида сўзламоқда; мусобақанинг қизғин беллашувларидан лавҳа; мураббий Д. Солиевнинг шогирдлари мусобақага тайёр.

Равиль Альбеков олган суратлар.



Қуйи жисмоний тарбия бўғинларида

«ОЛИМПИЯ»ЧИЛАР ЮТУҒИ

Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида 3 йилдан буён «Олимпия» замонавий спорт жамияти фаолият кўрсатмоқда. Ана шу муддат ичида юзлаб ишчи ва хизматчилар ўз саломатликларини мустаҳкамлаш билан бирга, бу спорт мажмуида ўз чемпионларини тайёрлашга ҳам эришишди. Бу ерда айниқса Н. Хўжақулов мураббийлигидаги каратэчилар тўгараги мусобақаларда талайгина ютуқларни қўлга киритганлар. Шу йилнинг ёзида Американинг Лас-Вегас шаҳрида машҳур киноюлдуз ва каратэчи Чак Норрис усулидаги каратэ бўйича жаҳон биринчилиги ўтказилди. Унга ўзбекистонлик спортчилар ҳам таклиф этилгандилар. Терма жамоа сафида бирлашманинг «Олимпия»чиларидан Н. Хўжақулов ва Шуҳрат Арслон ўғли ҳам бор эдилар. Ўзбекистонлик жанговар санъат усталари мусобақада фахрли 3-ўринни эгалладилар. «Олимпия»чилар шу ютуқ билангина чегараланиб қолганлари йўқ. Бир ой бурун Самарқанд шаҳрида каратэ бўйича бўлиб ўтган Ўзбекистон биринчилигида бирлашманинг Н. Хўжақулов, Б. Мардонов, К. Тўрақулов, Ш. Арслон ўғли, Э. Журавлевалардан иборат жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Яна бир «Олимпия»чи Б. Болтаева мутлақ биринчиликни эгаллаб, олтин медалга сазовор бўлди. «Олимпия» жамоасининг мураббийси ва моҳир яккакурашчи Н. Хўжақулов Германиянинг Франкфурт шаҳрида бўлиб ўтган беллашувда муваффақиятли қатнашиб, бир йўла 4-дан унвони соҳиби бўлди. Унинг раҳбарлигидаги ўсмирлар гуруҳи тез кунларда Наманган шаҳрида бўладиган Ўзбекистон чемпионатига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Агар ушбу мусобақада улар ғолиб чиқишса, Ўзбекистон терма жамоасига қабул қилинадилар.

ЁТОҚХОНА ЧЕМПИОНЛАРИ

Бирлашмага карашли 30 та ишчи-ёшлар ётоқхоналарида яхши жиҳозланган спорт хоналари ташкил этилган. Турли спорт тўгараклари мунтазам ишлаб турибди. Бирлашма миқёсида эса, тез-тез цехлар, ётоқхоналараро спорт мусобақалари ўтказилиб туради. Бундай йирик беллашувларни ўтказиш учун бирлашмага қарашли «Старт» стадионида барча қулайликлар мавжуд. Яқинда бу ерда винтовкадан отиш бўйича бўлиб ўтган бирлашма биринчилигида барча цех ва бўлимлардан қизиқувчан ёшлар ўзаро мусобақалашдилар. Кўпгина томошабинлар иштирокида жуда қизиқарли ўтган беллашувда 1-ётоқхона вакиллари, 93-цех ишчиси М. Ҳусаинов, О. Тошпўлатов (80-цех), К. Пардаев ва Б. Раимов (267-цех)лар совринли ўринларни эгалладилар. Уларга мусобақа ташкилотчилари — бирлашма касаба уюшмаси, Ёшлар Иттифоқи ва ётоқхоналар бўлими томонидан ҳозирланган Фахрий ёрлиқ ва совғалар топширилди. Бирлашманинг 1-ишчи ёшлар уйида тез-тез шахмат-шашка мусобақасини ўтказиш ҳам яхши анъанага айланган. Бу ерда яқинда ўтказилган «Ётоқхона чемпионати»да кўплаб ҳаваскор шахматчилар ва ишқибозлар қатнашдилар. Қизиқарли беллашув ғолиблари — 94-цех ишчиси Асрор Ёқубов ва 6-цех ишчиси Ориф Бозоровлар «Ётоқхона чемпионлари» унвонини қўлга киритишиб, Фахрий ёрлиқ ва «Лочин» дам олиш оромгоҳига бепул йўлланма билан мукофотландилар.

Равшан РУСТАМОВ, Илҳом ЭШМАТОВ.

спорт • спорт • спорт • спорт • спорт • спорт • спорт • спорт • спорт • спорт

«02» хабар беради

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

◆ 30 октябрь куни соат 16.00 да «Ўзмедтехника» корхонасида ҳайдовчи бўлиб ишлайдиган Б. Раҳим ўз қайнонасини уриб тўртта тишини синдирди. Зўравон куёвга нисбатан тегишли чора кўрилди.

◆ Шу куни кундузи соат 11 дан 45 дақиқа ўтганда номаълум шахс Россиядан келган С. Светлананинг эгнидаги чарм камзулини куч ишлатиш йўли билан ечиб олиб кўздан ғойиб бўлади. Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ходимлари томонидан талончи — ҳеч қаерда ишламайдиган Т. Ҳошим ушланди.

◆ Соат 19 дан 20 дақиқа ўтганида 2-Тракторсозлар мавзесида номаълум киши фуқаро С. Садирга қарашли «ГАЗ-24» русумли автомашинада ёш ўсмир ўтирганидан фойдаланиб унга тан жароҳати етказиб автомашина тортмасидан 1.310 сўмни олиб кетади. Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бошқармаси 1-шаҳар милиция бўлими ходимлари кўрган чора-тадбирлар натижасида ҳеч қаерда ишламайдиган А. Зафар қўлга олинди.

◆ 30 октябрь куни Юнусобод даҳаси, 4-мавзеда жойлашган 8-таъмирлаш-қурилиш бошқармаси ҳовлисида номаълум киши умумий баҳоси 12 минг сўмни ташкил этувчи дераза ромларини ўғирлаб кетади. Юнусобод тумани ички ишлар бошқармаси ходимлари ўғрини ушлашди. У ҳеч қаерда ишламайдиган С. Саломат бўлиб чиқди. Ҳозир ўғри устидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

◆ Шу куни «Олой» бозори ҳудудида Э. Серик 100 АҚШ долларини Алмати шаҳридан келган В. Шинга 4750 сўмга сотаётганида валюта алмаштириш қоидаларини бузганлиги учун ушланди.

◆ Байналмилал кўчасидаги 6-нон заводи ҳудудидан шу корхонада ишлайдиган М. Мирпўлат 250 дона буханкани олиб чиқишга уринганида ички ишлар ходимлари томонидан ушланди.

◆ Соат 18 дан 30 дақиқа ўтганда номаълум киши Бектемир туманидаги кўчалардан бирида турган «ВАЗ-21061» русумли шахсий автомашинани ўғирлаб қочади. ИИБ ходимлари автоуловни олиб қочган кишини ушлашди. У шу тумандаги заводлардан бирида ҳайдовчи бўлиб ишлайдиган Ш. Сергей экан.

◆ 31 октябрь куни «Тошкент-Чуст» фирмаси директори А. Иван давлат банкига сохта ҳужжатларни топширгани учун унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

◆ Туппа-тузуқ идораларда ишлаб турган кишиларнинг фирибгарлик қилиб юрганига нима дейиш мумкин? Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлимида ишловчи А. Машхура шу тумандаги 597-болалар боғчаси мудираси А. Т. дан 800 АҚШ доллари ва тилла буюмларни коттеж тўғрилаб бериш мақсадида олдию на уйдан ва на пулдан дарак бўлмади. Охири низога ички ишлар ходимлари аралашишига тўғри келди.

◆ 31 октябрь куни соат 22 да «Самарқанд» автовокзалида номаълум киши 1-трамвай паркининг 7-йўналиши бўйича қатнайдиган трамвай ҳайдовчиси З. Тошматга пичоқ уриб қочиб кетади. Яккасарой тумани ички ишлар бўлими ходимлари томонидан тез орада жиноятчи—муқаддам судланган Қозоғистон Республикаси фуқароси Я. Эркин қўлга олинди.

◆ Шу куни терговчилар томонидан шаҳримиздаги корхоналардан бирида чилангар бўлиб ишлайдиган Н. Николайнинг ҳам қилмишлари очиб ташланди. У ўз уйида П. Тамарани 3-қаватдан сакрашга мажбур қилган. Оқибатда Тамара бели, қовурғаси, бошқа тана аъзолари қаттиқ шикастланган ҳолда касалхонага келтирилган.

◆ Ҳамза тумани ИИБ ходимлари Содиқ Азимов кўчасидаги машина гаражларидан бирида ўғирлик содир бўлганлигини аниқлаб жиноятчиларни ушлашди. 16 октябрь куни тунги соат 2 ларда номаълум кишилар гараж эшигини бузишиб у ердан 10 минг сўм пул, «Айва» автомагнитофони, 25 шиша коньяк, 44 банка димланган гўшт, 2 галоген ёритгич ва 50 литр бензинни «тинчитишади». Қўрилган чора-тадбирлар натижасида фуқаро М. Б.га қарашли ушбу нарсалар қайтарилиб, ўғрилар — ҳеч қаерда ишламайдиган Сергей М. ва дайди К. Егорга нисбатан жиноий иш қўзғатиладиган бўлди.

◆ 1 ноябрь куни номаълум шахс «Олой» бозорида В. Пакнинг 177 минг 360 сўмини куч ишлатиш йўли билан тортиб олади. Ички ишлар ходимлари талончи — Сирдарё вилояти, Деҳқонобод туманидан келган, ҳеч қаерда ишламайдиган М. Жўрани ушлашди. Ҳозир у терговда жавоб бермоқда.

◆ Шу куни соат 16 дан 45 дақиқа ўтганида Юнусобод туманидаги уйлардан бирига газли тўппонча билан бостириб кирган аёл киши уй бекасини қўрқитиб қимматбаҳо тақинчоқлар ва кийимларни олиб кўздан ғойиб бўлди. Шу туман ички ишлар хизмати ходимлари ҳеч қаерда ишламайдиган Ҳ. Лайлони қўлга олишди. Лайло ҳозир қилмишлари учун терговда жавоб бермоқда.

◆ 1 ноябрь куни соат 19 дан 35 дақиқа ўтганида Амир Темур кўчасидаги 7-уй рўпарасида автомобиль ҳалокати юз берди. «Москвич» русумли енгил машинани бошқариб келаётган ҳайдовчи 1932 йилда туғилган С. Владимирни босиб ўтиб кетади. Оқибатда у шу ердаёқ жон берди.

◆ Шу куни яна бир шундай фожиа Чилонзор туманидаги Қатортол кўчасида ҳам юз берди. «ВАЗ-21053» русумли автомашина ҳайдовчиси Фарғона вилояти, Новқат қишлоғидан келган мактаб ўқувчисини уриб юборади. Мактаб ўқувчиси касалхонада оламдан ўтди.

◆ Соат 14.00 да «Оқтепа» бекатида «ВАЗ-2103» русумли автомашина ҳайдовчиси икки йўловчини уриб юборади. Натижада уларнинг бири касалхонада оламдан ўтди. Мия чайқалиши натижасида жароҳат олган яна бир пиёдага тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

◆ 2 ноябрь куни Яккасарой тумани ички ишлар бўлими ходимлари «Тоштўқимачи» ҳиссадорлик жамиятидан 105 метр сатин, 478 метр ойдин газламасини ўғирлаб кетишга уринган шу корхона ишчиси А. Неъматни ушлашди. Ташмачига нисбатан қонунларимизда белгиланган чора қўлланилади.

◆ Шу куни эрталаб соат 9 да номаълум кишилар Чилонзор туманидаги «Алпомиш-савдо» тижорат дўконидан деразани синдириш орқали ичкарига кириб 10 минг сўмлик молларни ўғирлаб кетишди. Милиция ходимларининг ўз вақтида амалга оширган чора-тадбирлари натижасида ўғрилар — 1982 йилда туғилган В. Дима, Г. Николайлар тезда ушланди.

◆ «Ҳасан-Бахтиёр» тижорат хусусий дўконидан қулфни бузиш йўли билан 25 минг сўмлик молларни ўғирлаган А. Ёдгор ҳам энди терговда жавоб бермоқда.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИНИНГ МАТБУОТ ХИЗМАТИ.

Siz буни уддалайсиз

АНГИНАНИНГ ДАВОСИ

Шифокор ҳузурида бўлишни кўпам хуш кўравермайдиганларга болгариялик машҳур шифокор Т. Ефремов уй шароитида қўйидаги даволаш усулини аъзона билан оғрийдиганларга тавсия қилади:

Агар иссиғингиз чиқса ўринга пахмоқ чойшаб, устига клеёнка қўясиз. Челакнинг тўртдан уч қисмига қайноқ сув солиб, унга бир ош қошиқда сирка соласиз. Унга уринган, юмшоқ чойшабни хўллаб олиб чойшабга бутун танангизни ўрайсиз. Устингиздан яна иссиқ қалин чойшаб ташлаб 15—20 дақиқа ётасиз. Орадан белгиланган вақт ўтгач, иссиқ кийиниб, бошингизни жун қалпоқ ёки рўмол билан ўраб оёғингизга жун пайпоқ киясиз. Пайпоқ ичига 2 та майдаланган аспирин солиб қўйинг.

Иккинчи усул: картошкани идишга солиб қайнатасиз. Сўнгра унинг буғида пахмоқ сочиқ билан бошингизни беркитиб, 5—10 дақиқа нафас оласиз. Картошкани қайнатиб олган сув билан томоғингизга иссиқ компресс қилинг. Оёғингизга эса саримсоқ пиёзни суртиб иссиқ, жун пайпоқ кийиб ётинг.

Учинчи усул: пиёзнинг ярим стакан сувини чиқариб, унга икки ош қошиқ асални аралаштиринг. Дока ёки пахтани аралашмада хўллаб томоғингизни 3—4 марта кетма-кет артинг. Иккита горчичник қоғозига аралашмадан суртиб, оёғингиз тагига боғлаб, иссиқ қилиб ўраб ётинг.

Маҳлиё МИРСОАТОВА.

Турфа олам

ДУНЁДА ЎХШАШИ ЙЎҚ

Ал-Форобий номли Қозоғистон Давлат университети биофизика ва биокимё кафедраси мудири профессор В. М. Инюшин раҳбарлигидаги гуруҳ яратган асбоб кўпчиликнинг диққатини ўзига тортмоқда. Оддий самоварни эслатувчи ва ер қимирлашидан бир неча соат олдин овоз беруvчи мослама одамларни хавфли ҳодисадан хабардор қилиши билан ажралиб туради. Унинг овози қаттиқ ухлаётган кишиларни ҳам уйғотиб яқинлашаётган хавф-хатардан дарак бериши тажрибаларда исботланди. Дунёда ўхшаши йўқ бу ер қимирлаш индикаторининг нархи эллик минг АҚШ долларида нархланмоқда. Яратилган янгилик ёрдамида 1990 йили Иссиққўл атрофида бўлган, 1991 йилги Катта Алмати кўли, 1993 йилдаги Текели шаҳри яқинидаги Жунгар Алатоусидаги ва 1995 йили Сахалиндаги кучли ер қимирлашларнинг вақтини камида 28—46 соат олдин айтиб берилганлиги унинг муҳим аҳамият касб этишини исботлайди.

ОНА СУТИ — АЛЛЕРГИЯГА ҚАРШИ

Ҳиндистон ва Канада олимлари она сутининг аллергия касалликларига қарши курашувчи воситаларидан бири эканлигини қайд қилишди. Чақалоқлар икки гуруҳга бўлиниб, буларнинг бири она сути билан, иккинчиси эса сигир сути билан боқилган. Организмдаги ўзгаришлар ўрганилиб борилар экан она сути эмган болаларда ҳаммаси бўлиб саккиз фоиз, сигир сути эмган болаларда салкам саксон фоизи аллергик касалликларга учраши мумкинлигини тажрибаларда исботланди.

АВТОМОБИЛЬ ВА ДИАБЕТ КАСАЛЛИГИ

Япон олимлари мамлакатда автомобиллар кўпайиши натижасида диабет касаллиги кўпайганлигини қайд қилишди. Бу ҳаракатсизлик, яёв юрмаслик, юк кўтармаслик ва шу каби бошқа ишлардан озод бўлиш сабабли деб топилди. Мамлакатда вақтиваҳти билан ёқилги танқислиги қучайиб машиналарда юриш камайган пайтларда диабет касаллигининг камайиши юқоридаги фикримизга далил бўлади. Япон дўхтирлари ҳам фаол ҳаракат билан диабетнинг тўғридан-тўғри боғлиқ эканлигини кўп тажрибаларида исботлашди.

КЎЗ — ДОИМИЙ ҲАРАКАТДА

Киши кўзи доимий ҳаракатда эканлиги исботланган. Ҳар дақиқада бир юз йигирма марта ҳаракатланувчи кўзимиз ўнгга ва чапга, юқори-пастга қараб ҳаракатланади. Кўз ҳаракати тўхтаб қолса, мияга импульс бормай қолиши ҳисобига ҳеч нарсани кўролмай қолади киши.

Қудрат АҲМЕРОВ тайёрлаган.

Бир чимдим қаҳқаҳа

— Болалар ўн-ўн икки ёшга чиққанда ҳам эмаклаши мумкинми?

— Мумкин. Тўйхонада рақс тушаётганлар устидан пул сочилган вақтда.

*

— Йигирма йилдан бери ичасан, ароқ жснинга тегмадими?

— Нега тегар экан? Ароқ хотиниммидики жонимга тегса.

*

— Баъзи бир сотувчиларга маза-да, умр бўйи бош кийим харид қилишмайди.

— Нега ундай деяпсан?

— Чунки, сотган молининг нархи устида «шапка»си бор.

*

— Қароқчининг ўғридан фарқи нимада?

— Ўғрини ўғри «урса», энди у қароқчи бўлади.

*

— Менда тўртта кўз бор.

— Ёлғон ҳам эви билан-да.

— Ёлғонинг нимаси? Иккитаси ўзимники, иккитаси тиззамнинг кўзи.

*

Физика ўқитувчиси ўқувчидан сўради:

— Эриш нима?

— Бирор-бир ютуқ ёки мукофотни ювиш — эриш дейилади.

*

Адабиёт ўқитувчиси қўнғироқдан кейин синф эшиги олдида тўсатдан пайдо бўлган ўқувчидан сўради:

— Осмондан тушдингми?

— Меҳнатдан.

*

— Нега ҳозирги ёшларнинг кўпчилиги классик куй ва ашулаларга рақс тушишни билмайди?

— Чунки, классик куй ва ашулаларда зикр тушиш, пахсага лой тепиш, сувоқчилик қилиш, мева узиш ва робот бўлиш мумкин эмас-да.

*

— Янги йилнинг кириб келаётгани кўп яхши бўлди-да.

— Нима учун?

— Қилган гуноҳларим эски йилда қолиб кетади.

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТАШКИЛОТ КАССА АППАРАТЛАРИНИ
(фискаль хотирали, кафолатли)
СОТАДИ
Шунингдек, унда ишлашни ўргатади ва сервис хизмати кўрсатади

Занғиота туманидаги 42-ўрта мактаб томонидан Абдурахмонов Улуғбек Қурбонович номига берилган 021509 рақамли йўқолган ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат бекор қилинади.

Тошкент оқшоми
Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатга олинган. Рўйхат сони ~ 10.
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: хатлар ~ 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича ~ 33-81-42
Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки "Тошкент почтаси" шаҳар почта корхонасининг фойдаланиш бўлимига ~ 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Ҳажми ~ 2 босма табоқ. Офсет усулда чоп этилади. Қоғоз бичими - А-2. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичи - 64690.
"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 11-уй.
Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Буюртма Г—0495 • Босмага бериш вақти 11.30.
1 2 3 4 5 6.